



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 17 октябрь, № 203 (4613)

Жума

ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида 16 октябрь куни “Буюк Ипак йўли туризми” XIV Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси очилди.

“Ўзбектуризм” миллий компанияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирнинг очилишида Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг сайёҳлик фирма ва компаниялари, меҳмонхоналар вакиллари, соҳа мутахассислари, олим ва экспертлар ҳамда юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

“Ўзбектуризм” миллий компанияси раиси З. Жақимов очган тадбирда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида барча жаҳонлар сингари сайёҳлик соҳаси ҳам изчил ривожланиётгани, Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган юртимиз ўзининг ноб тарихий обидлари, бетақор маданияти ва анъаналари ҳамда гўзал табияти билан сайёҳларни тобора кўпроқ жалб қилаётгани қайд этилди. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда халқаро туризмни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сайёҳлик инфратузилмаси йил сайин тақомиллашиб, спорт, маданият, экология ва тарих билан боғлиқ янги туристик йўналишлар ривожланимоқда. Юртимизда янги сайёҳлик маршрутлари

(Давоми 2-бетда).



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

16 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Д. Тошмухамедова олиб борди.

Иккинчи ўқишда Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси тўғрисида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг аъзоси О. Усаров маъруза қилди. Савол-жавоблардан сўнг ҳужжат моддама-модда муҳокама этилди, муҳокама чоғида амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ноширлик фаолияти соҳасидаги муносабатлар тартибга солинишини янада раванлаштириш, наشريётлар таъсис этиш ҳуқуқини тартибга солиш қатор ҳуқуқий нормаларни аниқлаштириш, шунингдек, амалдаги ҳуқуқий нормаларни мамлакатнинг бошқа қонунлари, ушбу соҳадаги халқаро стандартлар қридаларига мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида киритилаётганлиги таъкидланди. Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

«Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сурғурта қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси Б. Соатов тақдим этди. Ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамаси давомида сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар иш берувчининг ҳодим ўз меҳнат вазифаларини бажараётганда унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ундириш бўйича фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сурғурта қилиш соҳасида ишончли ҳуқуқий база яратиш муҳимлигини таъкидладилар. Қонун лойиҳасида иш берувчининг, сурғурта қилувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, ҳодимнинг ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилган. Билдирилган тақлифлар ва фикр-мулоҳазаларнинг ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Р. Зарипова «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрдаги 164-сонли Қарори билан тасдиқланган Суд ҳодимларининг мансаб даражалари тўғрисида Низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июнда қабул қилинган Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этилиши муносабати билан тақлиф қилинди. Савол-жавоблардан

кейин депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қидаларини маълумлаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Коллекторлик фаолияти тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг «Коллекторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ги Қонунга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳалари ундириш бўйича ишларни мунтазам ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилгандир. Савол-жавоблардан ва бўлиб ўтган муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳаларининг концепциясини маълумлаб, уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси Р. Ҳайитов депутатларга «Стандартиштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Савол-жавоблардан ҳамда сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари сўзга чиққан муҳокамадан кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг биринчи ўқишда қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2005-2007 йиллар ва 2008 йилнинг тўхтинч ойи давомидаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот билан мазкур Қўмига раиси А. Турсунов сўзга чиқди. Қўмига мамлакат мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳуқуқий асосларни яратиш ва қонунчилик базасини тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш борасида муайян ишларни амалга оширишнинг таъкидланди. Ҳисобот муҳокамаси якунларига кўра, Қўмига қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятининг, шунингдек, мамлакат мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг моҳиятини тушунириш ишларининг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш топширилди.

Депутатлар ҳисобот муҳокамаси якунлари юзасидан тегишли қарор қабул қилдилар.

(ЎЗА).

ОДАМ САВДОСИ — УМУМЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ МУАММО

XXI асрнинг дастлабки йиллари илм-фан ва техника ривожининг шиддатли тус олганлиги, ахборот аламинишу тизимининг тубдан тақомиллашганлиги билан инсоният тарихида ўзига хос давр бўлди. Бу жараёнда дунё мамлакатлари халқаро муносабатларда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий, илм-фан, таълим соҳаларида ҳамкорлик қилиш, умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ муаммоларни биргаликда ҳал этишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Бунинг натижасида мамлакатлараро миграция жараёнлари бирмунча фаоллашди, фуқароларнинг меҳнат қилиши, таълим олиш, туризм ва шу каби турли мақсадларда бошқа давлатларга чиқиши, эркин фаолият олиб бориши учун имкониятлар янада кенгайди. Илмий ўзгаришлар билан бир қаторда айрим трансмилий жиноятларнинг ортиши ҳам кузатилаётган. Одам савдоси ҳам ана шундай жиноятлардан биридир.

Одам савдоси — инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, оқилолиги турмуши ҳамда келажағига таҳдид солаётган трансмилий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимоясини таъминлаш асосий қадриятга айланган ушбу даврда бу муҳим иллат ноқонуний қурол савдоси, гирдобилик воситаларининг фойдаланилиши муоамласи каби оғир оқибатларни келтириб чиқаради.

Биринчидан, ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ва ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар, ушбу қоида БМТнинг 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, шунингдек, бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда миллий қонунчиликда белгилаб қўйилган.

Одам савдоси эса инсоннинг эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига путур етказида, уни турли ҳўрлик ва камситишларга дучор этади. Одам савдоси деб аталмиш ушбу жиноий фаолият ортида мажбурий меҳнат, қуллик, мажбурий

донорлик, ҳарбий тўқнашуларда фойдаланиш, фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбурлаш каби қабих қилмишлар мужассамдир.

Иккинчидан, одам савдоси жиноятчилик учун сердаромад манба бўлиб қолмоқда. Халқаро эксперт-

ларнинг баҳолашича, дунё бўйича одам савдосидан тушадиган йиллик даромад 7 млрд. АҚШ долларидан ошмоқда. Афсус билан таъкидлаш кераки, дунёда «одам савдоси» бозори ва унга талаб қандар-қунга ошиб бормоқда.

Шу боис жиноий тузилмалар ушбу ноқонуний фаолият билан шуғулланишнинг турли йўларини қидириш, мақсадини амалга оширишни энгиллаштириш учун халқаро жиноий уюшмалар ташкил этиш, давлат хизматчиларини ўзларига оғдириш пайдидан бўладилар. Бу эса, трансмилий уюшган жиноятчилик, коррупция каби хавфли иллатларнинг кенг ёйилишига сабаб бўлади.

Учинчидан, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар ўз «қирдикорлар»ини яшириш мақсадида бундай савдонинг қурбонига айланаётган шахсларни имкон қадар

Қонун ва ижро


эътибордан четда тутишга ҳаракат қилдилар. Аввало, бунинг учун одамларни хорижга ноқонуний йўллар билан олиб чиқишга, паспорт ва шахсий ҳужжатларини қалбакилаштиришга уринадилар.

Бу ҳолат эса ноқонуний миграция салмоғининг ортишига, муайян давлат худудига ноқонуний кириб келганлар сонининг ортиб, иқтисодий, демографик ва криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатишига, шунингдек, хорижга чиқиш ва муайян давлат худудига бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келади.

Тўртинчидан, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар бундай савдонинг қурбонига айланаётганларни имкон қадар ўз назоратида ушлаб туриш ва кўпроқ фойда олиш мақсадида уларнинг шахсига оид ҳужжатларни (паспорт, миграция қарточкаси ва ҳ.к) ноқонуний эгаллаб, хорижий давлатда эркин ҳаракатланиш, ҳимояси остида бўлган давлатнинг тегишли ваколатхоналарига мурожаат этишига тўсқинлик қилдилар.

Оқибатда бундай шахслар ўзини ҳуқуқий ҳимоялаш имкониятидан маҳрум этилади.

(Давоми 2-бетда).



Пойтахтимизда катта шодиёналар билан ўтказилаётган «Style.Uz — 2008» Дизайнер ва мода ҳафталигининг тантанали ёпилиш маросими бугун кўҳна ва ҳаммиса навқирон Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтади.

«АСРЛАР ОША, ИЛК БОР»

Кеча Ҳафталик доирасида Ёшлар ижод саройида «Асрлар оша, илк бор» деб номланган нодир буюмлар экспозицияси намойиш этилди. «Meros» антикварлар ассоциацияси томонидан ташкиллаштирилган кўргазмага XIX ва XX асрга оид 60 дан ортқ экспонатлар қўйилди. Сўзанадан тикланган либослар, бош кийимлар, пойабзал, заргарлик ва мисқорлик буюмлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотгани, шубҳасиз.

Намойиш этилган асарларда урф-одатларимиз, қадимий анъаналаримиз, қишлоқ турмуш тарзи каби лаъҳзалар акс этган. «Style.Uz — 2008» Ранглар, нақшлар, шакллар уйғунлиги эса халқимизнинг бой маданияти меросига эга эканлигини дарак беради.

— Нақшлари билан кишини ўзига жалб этувчи сўзаналар жуда ажойиб экан, — дейди кўргазма томошабинларидан бири Хилола Солиева. — Айниқса, матоларда гўнча, бурма, барг ва мева сингари деталлардан ўз ўрнида фойдаланилган. Кўргазма биз, ёшлар учун юртимизнинг ўзига хос қадриятлари билан ақиндан танишишга хизмат қилди.

Матълумки, сўзаналар табиёрлаш, матолар бўйша ва кашта тиклаш сирлари авлод-аждодларимиздан мерос. Уни бугунги ёш авлодга муносиб етказишда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан тузилган «Meros» антикварлар ассоциациясининг хизмати катта. Айни дамда уюшма томонидан миллий хунармандчиликни қайта тиклаш, буюкчилар, кашта тикувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

— Биз, францияликлар одатда, санъат ва маданият

қадрига етадиган халқлар сирасига кирамиз, — дейди ўз интервьюсида Франция «MNB» банки президенти Мари Элен Берар. — Ҳафталикда намойиш этилаётган кўргазма билан танишиб, мамлакатимизнинг улкан бой маданият меросига эга эканлигини жуда қувондим.

Шунингдек, кеча «Style.Uz — 2008» Дизайнер ва мода ҳафталиги фарҳий меҳмонларидан бири, таълим қадриятлари Такада Кензо оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашди.


«Кензо» белгиси остида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ер юзиде жуда харидорларга. Матбуот анжуманида таъкидланганидек, Такада болалигиданоқ мода соҳасига ўзига меҳр қўйди. Йилгитлик чоғида ўз истеъдодини кўрсата билди. Кунинга қирқдан ортқ моделлар яратишга киришди. 1964 йилда Францияга қўчиб ўтган Кензо тез орада йирик «Pisanti & Relations Textiles» компанияси билан ҳамкорлик ўрнатди ва асарларидаги ноблиқ хусусияти натижасида машҳурликка эришди. Мода соҳасидаги хизматлари учун Кензо 1999 йилда халқаро «Тинчлик» мукофоти билан тақдирланди. Бугунги кунда «Кензо» белгиси остида ҳушбўй атирлар ҳам ишлаб чиқарилади.

— Тошкентнинг мусавфо осмони мени ўзига мафтун этди, — деди Такада Кензо. — Ўзбек маданияти билан ақиндан танишиш орзуим эди. Мазкур ҳафталик туфайли ниятига эришдим. Юртимга олам-олам таасуротлар билан қайтишимга ишонаман.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бир рақам шарҳи

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ ОШИРИЛМОҚДА



2008 йилнинг биринчи ярмида республикамизда озиқ-овқат саноатида макарон, нон ва нон маҳсулотлари, қандолат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган

75 та янги объект ишга туширилди.

Тармоқда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида таркибий ўзгаришларни давом эттириш туфайли шундай натижага, яъни ишлаб чиқариш қувватларини оширишга эришилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бежинчидан, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар, ўз хусусиятига кўра, латент характерга эга. Чунки одам савдоси қурбонлари уларга нисбатан жисмоний ёки рухий тазийқ ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар ошқор бўлиши ёки ўзининг ноқонуний хорижга чиққанлиги фош бўлишидан қўчиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмайдилар.

Бундай ҳолат одам савдоси билан шуғулланган шахсларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига ҳамда жиноий фаолиятини давом эттиришига олиб келади.

Шу боис дунё мамлакатларида одам савдосига қарши кураш масаласига жиддий эътибор қаратилади, бу тадбирга давлат идоралари, қолаверса, жамоат ташкилотлари, ўқув муассасалари, оммавий ахборот воситалари кенг жалб этилмоқда.

Дунёда одам савдоси билан боғлиқ вазият таҳлили бу борадаги ахволнинг ҳамон жиддийлигига қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 млн. 700 мингта шахс одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Ҳар йили 600 мингтадан 800 мингтача аёллар ва болалар алдов йўллари билан чет элларга олиб кетилади, сотиб юборилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, тадбиркорлик, хусусий бизнесга кенг йўл очилди, хорижий давлатлар билан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилди, юртимиз фуқароларининг хорижий мамлакатларга бемалол чиқишлари учун имконият ва етарли шарт-шароитлар яратилди.

Афсуски, айрим шахслар бундай шарт-шароит ва имкониятлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, фуқароларимизни турли алдов ва фирибгарлик билан хорижга олиб чиқиш қилишга уринмоқдалар. Бунинг оқибатда юртимиз фуқаролари ҳам одам савдоси қурбонига айланмоқда.

Расмий маълумотларга кўра, жорий йилнинг 9 ойида республикада 1449 нафар шахс одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланган. Уларнинг 1283 нафарини эркеклар, 166 нафарини аёллар, 28 нафарини воёга етмаганлар ташкил этган.

Таҳлиллар мамлакатимиз фуқароларини фоҳишалик билан шуғуллантириш учун асосан Бирлашган Араб Амирликлари, Қозғоғистон, Россия, Таиланд, Туркия, Ҳиндустон, Исроил, Малайзия, Жанубий Корея, Япония ва Коста-Рика давлатларига, мажбурий меҳнат ёки хизмат кўрсатиш учун эса — Қозғоғистон ва Россияга олиб чиқиш кетилаётганлигини кўрсатмоқда.

Шу ўринда табиий савол туғилади: республикада одам савдосининг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида қандай ишлар амалга оширилган ва бу фаолиятни кучайтириш учун келгусидаги вазифаларимиз нималардан иборат?

Президентимиз И.А. Каримов ташаббуси ва ғоялари асосида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларига амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида, аввало, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, юртимиз аҳолисини ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатардан асраш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш каби улғу мақсадлар муккасамидир.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳуқуқий демократик давлатда инсон тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечирishi учун, биринчи навбатда, унинг хавфсизлиги таъминланиши, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилинган бўлиши шарт.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг жамиятимизга олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини чүқур англаган ҳолда, ўтган йиллар мобайнида республикада бундай жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Авало, бу даврда одам савдоси жиноятларига барҳам бе-

ришининг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Давлатимиз одамларнинг яширин траффига қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди.

Яқин тарихга назар ташлайдиган бўлсак, бу борада норматив-ҳуқуқий база деярли мавжуд эмас эди. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят Кодексидида илк бор одам савдосига қарши курашиш мақсадида бундай ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Жумладан, Жиноят Кодексининг 135-моддаси шахсининг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш ва одам савдоси жиноятларининг олдини олишга қаратилган эди. Ҳозирда Жиноят Кодексининг ушбу моддаси янада такомиллаштирилди.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган қилмиш эканлигини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси бундай салбий қўринишларга қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратди.

Давлатимиз 2003 йил 12 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1950 йилда қабул қилинган «Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясига қўшилди.

ОДАМ САВДОСИ — УМУМЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ МУАММО

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция, шунингдек, одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча протокол ҳам ратификация қилинди.

Шу билан бирга, мустақиллик йилларида хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик (шу жумладан, одам савдоси)нинг хавфли қўринишларига қарши кураш ҳақида 29 та шартнома ва келишувлар имзоланган.

Шу йилнинг 17 апрелида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Конунинг қабул қилиниши мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоялашда муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-911-сонли Қарори билан юқоридаги қонун нормалари амалга татбиқ этилди. Мамлакатимизда одам савдосига қарши курашишни самарали ташкил этиш мақсадида 2008-2010 йилларга мўлжалланган Миллий Режа тасдиқланди, тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари олдида аниқ вазифалар қўйилди.

Одам савдосига қарши курашиш, бундай жиноят қурбонларини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари комплекс характерга эга эканлиги инobatга олиниб, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотариат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идораларо комиссияси тузилди.

Жорий йилнинг 23 июль кунини одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идораларо комиссиясининг биринчи йиғилиши ўтказилди.

Ушбу йиғилишда комиссия фаолияти билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий масалалар ҳал қилиниб олинди. Хусусан, комиссиянинг иш режаси, одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идораларо комиссияларнинг намунавий Низоми тасдиқланди.

Жойларда ҳам одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идораларо комиссияларнинг фаолияти тўлиқ йўлга қўйилиб, уларда ташкил этилган ишчи гуруҳлари ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Миллий Дастурга мувофиқ, одам савдосига қарши курашиш борасида қонунчилики такомил-

лаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Ҳозирда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига шарҳ ва бу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш устида иш олиб борилмоқда.

Одам савдосига қарши курашишда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ушбу иллатнинг хавфи ва оқибатлари ҳақида тушунтириш олиб бориш, фуқароларни бу борадаги вазиятдан огоҳ этиш ҳамда хабардорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис комиссия иш фаолиятида тарғибот ва ташвиқот тадбирларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Комиссия таркибига кирувчи барча вазирлик ва идоралар томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, бу мавзуда давра суҳбатлари ўтказилиши юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилан олди.

Бугунги кунда ушбу мавзуга бағишланган давра суҳбатлари, конференциялар, илмий-амалий анжуманлар ўтказиб келинмоқда. Аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида фойдаланиш учун қулай бўлган ўқув, услубий қўланмалар, буклетлар нашр этилиб тарқатилмоқда.

Одам савдоси жиноятларининг хавфи ва оқибатларидан огоҳ

этувчи, бундай иллатга қарши курашга чорловчи плакатлар, баннерлар тайёрланиб, аҳоли гажум жойларда, автомобиль, темир йўл, ҳаво транспорт бекатларида, чегара-ўтиш постларида ўрнатилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 19 август кунини халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда «Одам савдосига қарши курашиш, бундай жиноятлардан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатишнинг механизмларини такомиллаштириш масалари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда республика Идораларо комиссиясининг аъзолари, халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Бундан ташқари, комиссия ташаббуси билан фуқароларнинг одам савдоси билан боғлиқ ҳолатлар, унинг олдини олиш чоралари ҳақидаги тегишли маълумотларни исталган вақтда олишларини таъминлаш мақсадида Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ва Давлат божхона қўмитасида «Ишонч телефонлари» ташкил қилинди.

Қайд этиш лозимки, республикада бу борадаги криминоген вазият таҳлили, одам савдосига қарши курашиш, унга имкон берилган шарт-шароитларни барқарор этиш, оқибатларини мумкин қадар енгиллаштириш юзасидан бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатади.

Жорий йилнинг 9 ойида республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан одам савдоси бўйича 436 та жиноят иши қўзғатилиб, 339 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди, уларнинг 203 нафарини эркеклар, 136 нафарини аёллар ташкил этган.

Масалан, Каттақўрғон шаҳрида яшовчи М. Жўраева, З. Саидова жиноий шериклари билан тил бириктириб, бир неча гуруҳ қизларни алдаш йўли билан Қирғизистон Республикаси орқали Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрига юборганлар. Мазкур шаҳарда уларни кутиб олган жиноий гуруҳнинг аъзоси бўлган «Шоҳиста» исмли шахс қизларнинг фуқаролик паспортларини олиб қўйиб, ўзларини эса бир йил давомида фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур этган.

Ўшнинг шаҳрида яшовчи Р. Абдуллаев ва бошқалар фаолиятини олиб қўрайлик. Улар тугатилган «СНЕТ» шўбба корхонасининг муҳри ва ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда ушбу корхонанинг «хорижда иш билан таъминлашга қўмақлашувчи ташкилот» эканлигига одамларни ишонтириб, унинг

«хизмат»идан фойдаланиш йўли билан 56 нафар фуқарони алдов йўли билан Қозғоғистон Республикасига олиб чиқиш, номаълум шахсларга сотиб юборганлар. Оқибатда республикада фуқароларининг шахсий ҳужжатлари олиб қўйилиб, ўзлари номаълум шахслар томонидан Астана шаҳрида мажбурий тарзда ишлатилганлар.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ҳақида бундай миқдорларни кўпай келтириш мумкин.

Бирок, бу тоифадаги жиноятларга қўл урган шахсларнинг 40 фоизини аёллар ташкил этганлиги жойларда маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари, ҳокимликлар ҳузурдаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа мутасадди идораларнинг бундай салбий ҳолатларга қарши ҳамкорликда, фаол иш олиб боришларини таъминлаш зарур.

Қайд этиш лозимки, республикада фуқароларнинг хорижда меҳнат қилишини ташкил этишга доир ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, улардаги асосий талаблардан бири — бу хорижга юборилиши кўзда тутилган фуқароларнинг муайян давлат ҳудудида ижтимоий ҳимоясининг таъминланиши, барча ижтимоий кафолатлар ва тиббий сугуртанинг мавжудлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сонли Қарори асосида фуқароларни чет элларга ишга юбориш ва уларнинг меҳнат фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташкил меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан амалга оширилиши белгилан қўйилган.

Фуқароларнинг чет эллардаги меҳнат фаолияти ушбу агентлик орқали амалга оширилиши ҳам уларнинг муайян давлат ҳудудида ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланиши, ижтимоий, тиббий муҳофаза этилишини таъминлайди. Жойларда фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича ҳўжалик ҳисобидида минтақавий бюролар мавжуд бўлиб, фуқаролар шу хизматларга мурожаат қилсалар, одам савдоси қурбони бўлишларининг олди олинган бўлар эди.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддасида одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни нормал турмуш тарзига қайтариш мақсадида амалга оширилиши ва мазкур шахсларга юридик ёрдам бериш, уларни психологик, тиббий, касбий реабилитация қилиш, уларни ишга жойлаштириш, уларга вақтинчалик тураржой бериши ўз ичига олиши белгилан қўйилди.

Республика Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида эса одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича иختисослаштирилган муассасаларни ташкил қилишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Албатта, ташкил этиладиган бундай муассасалар одам савдосидан жабрланганларни нормал турмушга қайтариш, уларнинг жамиятнинг тенг ҳуқуқли, эркин аъзоси эканлигини ҳис этиб яшашига эришишда муҳим восита бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат ва эъзога лойиқ. Инсоний қадриятларни топташга уринган ҳар қандай шахсга қонун олдида жавобгарлик муқаррардир.

Рашитжон ҚОДИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идораларо комиссияси раиси.

Бу ишдаги яна бир муҳим омил — доимий яшаш жойидан узоқ мuddатга чиқиб кетган шахсларнинг тақдирини, уларнинг хозирда қаерда ва нима иш билан бандлигини аниқлашга қаратилган тадбирларни жадаллаштириш зарур.

Шу нуқтаи назардан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, иш билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари барпо этиш ва шу каби бошқа масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, бу борада қабул қилинган Президент фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ижросини тўлиқ таъминлаш лозим.

Одам савдосининг олдини олиш учун кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда тарғибот ва ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш, маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар имкониятларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазаси, уларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш ишларини кучайтириш зарур.


Азим Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи арафасида ўтказилаётган «Буюк Ипақ йўли туризми» XIV Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркасида қўлағини асосий мақсад жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳияти билан кенг таништириш ва хорижий сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

1995 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур ярмарка сайёҳлик соҳасида нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё миқёсидаги йирик халқаро анжумандир. Ушбу тадбир мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самараси бўлиб, сайёҳлик соҳасини янада такомиллаштириш ва чет эллик шериклар билан бевосита алоқаларни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратади.

Ярмаркада иштирок этаётган сайёҳлик фирма ва компаниялари сони йил сайин ошиб бормоқда. 2007 йилда анжуманда йирик бир мамлакатдан қарий 600 сайёҳлик фирмаси катнашган бўлиб, бу йилги ярмаркада Ўзбекистон, Қозғоғистон, Россия, Испания, Греция, Латвия, Чехия, Болгария, Кипр, Туркия, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Малайзия, Корея Республикаси, Украина, Вьетнам, Озарбойжон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон каби йигирма уч мамлакатдан юздан зиёд фирма ва компания вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистоннинг «Буюк Ипақ йўлидаги дурдон» деб аталishi беҳиз эмас, — дейди Малайзиянинг «Embassy Alliance» компанияси МДХ мамлакатлари бўйича вакили Олег Митряков. — Мамлакатимизда сайёҳларни жалб этишчи барча омиллар — дунёдаги энг нобъ тарихий ёдгорликлар, муқаддас зiyorатгоҳлар, худманзара табият ва фазилли гушлар кўп. Шу боис кўп асрлик тарих, бетақор маданият ва аъналарга эга Ўзбекистон жаҳон сайёҳлик бозорига тобора катта оёр козонмоқда. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлашга кизан тайёргарлик қўрилатганининг гувоҳи бўлдиқ. Тошкент — гоят гўзал ва маф-

ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ БОШЛАНДИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

ишлаб чиқилиб, кўплай замонавий меҳмонхоналар қурилгани, мавжуд йўллар таъмирланиб, кенгайтирилгани, янги йўл барпо этилгани соҳа ривожига хизмат қилмоқда.

Азим Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи арафасида ўтказилаётган «Буюк Ипақ йўли туризми» XIV Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркасида қўлағини асосий мақсад жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳияти билан кенг таништириш ва хорижий сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

1995 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур ярмарка сайёҳлик соҳасида нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё миқёсидаги йирик халқаро анжумандир. Ушбу тадбир мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самараси бўлиб, сайёҳлик соҳасини янада такомиллаштириш ва чет эллик шериклар билан бевосита алоқаларни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратади.

Ярмаркада иштирок этаётган сайёҳлик фирма ва компаниялари сони йил сайин ошиб бормоқда. 2007 йилда анжуманда йирик бир мамлакатдан қарий 600 сайёҳлик фирмаси катнашган бўлиб, бу йилги ярмаркада Ўзбекистон, Қозғоғистон, Россия, Испания, Греция, Латвия, Чехия, Болгария, Кипр, Туркия, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Малайзия, Корея Республикаси, Украина, Вьетнам, Озарбойжон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон каби йигирма уч мамлакатдан юздан зиёд фирма ва компания вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистоннинг «Буюк Ипақ йўлидаги дурдон» деб аталishi беҳиз эмас, — дейди Малайзиянинг «Embassy Alliance» компанияси МДХ мамлакатлари бўйича вакили Олег Митряков. — Мамлакатимизда сайёҳларни жалб этишчи барча омиллар — дунёдаги энг нобъ тарихий ёдгорликлар, муқаддас зiyorатгоҳлар, худманзара табият ва фазилли гушлар кўп. Шу боис кўп асрлик тарих, бетақор маданият ва аъналарга эга Ўзбекистон жаҳон сайёҳлик бозорига тобора катта оёр козонмоқда. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлашга кизан тайёргарлик қўрилатганининг гувоҳи бўлдиқ. Тошкент — гоят гўзал ва маф-

тункор шаҳар. Ўзбекистонда сайёҳлик соҳаси изчил ривожланаётгани, сайёҳларнинг мароқли дам олиши учун барча қўлайликлар яратилаётгани диққатга сазовор. Малайзияда юртингиз маданияти, тарихи ва бугунги кунини билан танишишга кизикish катта. Мазкур ярмарка давомида Ўзбекистонлик шерикларимиз билан ўзаро манfaatли ҳамкорликни ривожлантириш ниятида.

Халқаро сайёҳлик фирмалари, миллий сайёҳлик компаниялари, меҳмонхона ва рестороанлар, музейлар ва бошқа ташкилотлар билан кенг таништириш ва хорижий сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

1995 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур ярмарка сайёҳлик соҳасида нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё миқёсидаги йирик халқаро анжумандир. Ушбу тадбир мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самараси бўлиб, сайёҳлик соҳасини янада такомиллаштириш ва чет эллик шериклар билан бевосита алоқаларни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратади.

Ярмаркада иштирок этаётган сайёҳлик фирма ва компаниялари сони йил сайин ошиб бормоқда. 2007 йилда анжуманда йирик бир мамлакатдан қарий 600 сайёҳлик фирмаси катнашган бўлиб, бу йилги ярмаркада Ўзбекистон, Қозғоғистон, Россия, Испания, Греция, Латвия, Чехия, Болгария, Кипр, Туркия, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Малайзия, Корея Республикаси, Украина, Вьетнам, Озарбойжон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон каби йигирма уч мамлакатдан юздан зиёд фирма ва компания вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистоннинг «Буюк Ипақ йўлидаги дурдон» деб аталishi беҳиз эмас, — дейди Малайзиянинг «Embassy Alliance» компанияси МДХ мамлакатлари бўйича вакили Олег Митряков. — Мамлакатимизда сайёҳларни жалб этишчи барча омиллар — дунёдаги энг нобъ тарихий ёдгорликлар, муқаддас зiyorатгоҳлар, худманзара табият ва фазилли гушлар кўп. Шу боис кўп асрлик тарих, бетақор маданият ва аъналарга эга Ўзбекистон жаҳон сайёҳлик бозорига тобора катта оёр козонмоқда. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлашга кизан тайёргарлик қўрилатганининг гувоҳи бўлдиқ. Тошкент — гоят гўзал ва маф-

Мадина УМАРОВА, Ўза мухбири.

ҲИНДИСТОН БИЛАН АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонасида Ҳиндистон Техникавий ва иқтисодий ҳамкорлик (ИТЕС) кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда илмий жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда ИТЕС дастури доирасида тахсил олаётган ўзбекистонлик талаба ва битирувчилар иштирок этди.

Тадбир меҳмонлари 1964 йилда Ҳиндистон ҳукумати томонидан ҳамкор давлатлар билан икки томонлама техникавий ва иқтисодий ҳамкорлик йўлига қўйиш мақсадида ишлаб чиқилган ИТЕС дастури билан танишиш имкониятига эга бўлишди. Ушбу дастур доирасида дунёнинг 156 мамлақати билан иқтисодий ривожланиш, инсон ресурслари, фан ва технология соҳаларида тажриба алмашиб келинмоқда.

Ўзбекистон 1993 йилдан буён ИТЕС дастури доирасида Ҳиндистон билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бугунги кунга қадар мамлакатимизнинг миңдан ортиқ эксперт ва мутахассислари ушбу мамлақатда турли соҳаларда, хусусан, ахборот технологиялари, менежмент, бошқарув, банк ва молия иши, таълим ва инсон ресурсларини ривожлантириш, инглиз тили, журналистика, дипломатия, тадбиркорлик, тўқимачилик фабрикаларини бо

Ислохот

Самарқанд туманида жойлашган мажор корхонада бир пайтлари фақатгина спорт қайиқлари ишлаб чиқариладиган эди. Айни пайтда эса «Стеклопластик» деб ном олган бу корхона маҳсулотлари бутун мамлакатда машҳур. Корхонада 150 турдан ортиқ махсус мебеллар ва спорт ускуналари тайёрланадиган.

«СТЕКЛОПЛАСТИК» ХОРИЖГА ЧИҚМОҚДА

«Стеклопластик» 2005 йилда Осий Тараққиёт банкнинг таълим тизими лойиҳасида иштираётган эди, каттагина сармояга эгалик қилди, бу эса унинг имкониятларини янада оширди. Ушунининг натижасида корхона маҳсулотларига миқоз кўпаймоқда.

— Муштараклик корхонамиз ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди, — дейди корхона раҳбари Уктам Саидмуродов. — 1995 йилда собиқ спорт қайиқлари заводи акционерлик жамиятига айлантирилган, фаолиятимизни тўлиқ қайтадан ташкил этдик. Энг аввало, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш имкониятлари изланди. Бугунга келиб, бу борада 70 фоизлик натижага эришиб турибмиз. Биз фойдаланадиган маҳаллий хом ашёлар республика Метрология ва стандарташ марказининг сифат сертификатларига эга.

Корхона жамоасининг бош мақсади маҳсулот турини кўпайтириш, сифатини жаҳон андозалари даражасида таъминлашга эришишдир. Шунинг учун ишлаб чиқаришда янги технологияларга ўтиляпти. Бугун бу ерда Россия, Германия, Хитой мамлакатларидан келтирилган замонавий ускуналар ва дастгоҳлардан фойдаланишляпти.

Корхонанинг кўргазмалар залидаги мебеллар ҳар қандай кишининг баҳри-диллини очиб, кўнгилларини жайратиб юборади. Бу ерда биргина ўқув мебелларининг 60 дан ортиқ турини учратасиз. Халқ таълими вазирлиги, ўрта махсус, касб-хўнар таълим маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Стеклопластик»нинг асосий миқозларидир.

Яна бир қувончли жиҳати, корхонанинг экспорт сари қадам ташлаганидир. Айни пайтда Тожикистон ва Қозғоғистоннинг бир қанча таълим ва тиббиёт муассасаларига «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамгаси билан «Стеклопластик»нинг кўпбал турдаги мебел ва спорт инвентарлари жўнатиляпти.

Абдурашул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БОЛА ОДОБИ БИЛАН АЗИЗ

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида Ўзбекистонда катта ишлар амалга оширилаётганини дунё жамоатчилиги яхши билади. Шунингдек, вояга етмаганлар тарбияси доимий диққат марказида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари буйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори вояга етмаганлар орасидаги салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган. Унга кўра, ёшлар томонидан йўл қўйилётган жиноятлар, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, диний ақидапарастлик ёки турли зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолиш ҳолатларига давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда ўқув муассасалари ҳамкорлигида чек қўйиш лозимлиги белгиланган. Ҳозирда мана шу ҳамкорлик ўзининг самарасини бериб келаётганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

прокуратураси ва вояга етмаганлар ишлари буйича комиссия томонидан оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган «Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун ҳимоясида», «Хотин-қизлар ҳуқуқи ва манфаатлари» номи рисоалар тайёрланиб, мактаблар, ўзини ўзи бошқариш идоралари, корхона ва ташкилотларга тарқатилди. Бундан ташқари, жойларда давра суҳбатлари ҳамда вояга етмаганлар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини аниқлаш мақсадида мониторинглар ўтказилди.

Шу саъй-ҳаракатлар натижасида фарзандлари тарбиясида фанон таъсир қиладиган ота-оналар, профилактик ҳисобда турадиган бо-

лар, боқувчисини йўқотган ёшлар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари аниқланди. Мониторинг шунингдек, Жиззах вилояти буйича 248

Қарор ва ижро

нафари вояга етмаган ўғил-қиз профилактик ҳисобда турли кўрсаткичлар билан таъминланган. Уларнинг 24 нафари мактаб бўлса, 83 нафари эса ҳеч қаерда иш-ламайдиган, ўқимайдиган ёшлардир. Бундан ташқари, фарзандлари тарбиясида салбий таъсир этувчи ота-оналар сони 299 нафар эканини таассуф билан айтиш мумкин. Ушбу ёшларнинг 42 нафари жиноят содир этгани, 92 нафари турли ҳуқуқбу-

зарликлар қилгани, 100 нафари эса бошқа ноқонуний ишлар учун назоратга олингани ҳар қандай кишини ташвишга солиши турган гап. Негаки, бу болалар ҳам ўзимизнинг болаларимиз. Уларнинг тарбиясига беътибор бўлиш сира мумкин эмас.

Бу борада вилоятда яхши бир таҳриба тўпланган. Вилоят халқ таълими тизими томонидан муҳити ноҳуш оилалар фарзандларининг бўш вақтларини мазмули ўтказишга қаратилган турли тўғараклар ташкил этилган бўлиб, бу ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Шу билан бирга, мактаб, лицей ва коллежларда ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда учрашув ва давра суҳбатлари йўлга қўйилганини ҳам таъкидлаш лозим.

Халқимизда «Бир болага етти маҳалла ота-она», деган ҳаётий нақл бор. Демак,

вояга етмаганлар тарбиясида маҳалла институтининг тугган ўрнини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Шунинг учун вилоятдаги барча маҳаллаларда ҳуқуқшунослар билан мулоқотлар уюштириш яхши анбана тусини олган. Айтиш лозимки, бу саъй-ҳаракатлар натижасида оғир тарбияли болаларнинг кўпчилигида ижобий натижалар кузатилган.

Бу албатта, яхши. Аммо ҳали қилиниши лозим бўлган ишларимиз кўп экани ҳам аён. Негаки, фарзандларимиз томонидан қилинган жиноят, содир этилган ҳуқуқбузарлик битта бўлса ҳам — кўп. Фарзандлар тарбиясини тўғри йўлга солишга барчамиз масъулмиз. Донишманд халқимиз билиб айтган: «Бола азиз, одоби ундан азиз».

Ясдини ҲУРАЛИЕВ, Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари буйича комиссия масъул котиби.

ГАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОР САМАРАСИ

Корхонада «Ёшлар йили» давлат дастурини амалга ошириш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларда уларга гамхўрлик кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шунга мувофиқ, нурилар шаҳарчаси — Нуристондаги маданият саройи қайта таъмирланиб, «Ёшлар маркази» ташкил этилди. Унда ёшларнинг ишдан бўш вақтларини кўнглили ўтказишлари, турли тўғараклар ва курсларда қатнашиб, интеллектуал салоҳиятларини оширишлари учун барча шароитлар яратилган.

Ёшларнинг уй-жой шароитини яхшилаш ҳам корхона раҳбариятининг диққат марказида турибди. Ҳозирга 48 оила ҳовли тўйи ўтказди. Иккита ёш оиланинг яшаб турган уйи корхона ҳисобидан тўлиқ таъмирлаб берилди. Бундай гамхўрлик ва эътибор ёшларнинг ижтимоий ва меҳнат фаолиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

2008 йил — Ёшлар йили

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси тизимидаги «Геология» музейи 1988 йилдан бошлаб фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур музейдаги мавжуд кўргазмалар асосини собиқ Бошгеология хизматида қарашли бўлган кичик музей коллекцияси ҳамда Ўзбекистон ва Марказий Осий ер ости бойлиқларининг таниқли тадқиқотчилари томонидан тўпланган топиломалар ташкил этди. Музейда 32 мингдан ортиқ экспонат намойиш қилинмоқда. Уларни томоша қила туриб, мазкур музей чиндан ҳам ҳақиқий мўъжизалар маскани эканига ишонч ҳосил қилдик.

Хосен ПАЙДОЕВ олган сурат.

МЎЪЖИЗАЛАР МАСКАНИ

Музей йигирма йиллик фаолияти давомида Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг илмий-ўқув маркази сифатида шаклланди. Бу масканда фаолият юритаётган олимлар мамлакатимизнинг турли ҳудудларида геологик изланишлар олиб бориб, янги-янги ер ости бойлиқларини топишга ҳаракат қилишмоқда. Бундан ташқари, музей талабалар, коллеж, лицей ва умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ҳамда юртимиз аҳолиси учун таништирув ва экскурсиялар уюштирувчи маърифат маскани вазифасини ўтаб келаётир.

Музейнинг 5 та кўргазма зали мавжуд. Ер сайёрасининг умумфазовий ва геологик жараёнларга боғлиқ ҳолда шаклланиши ҳамда ривожланишини ўзига акс эттирган турли ҳужжат ва ашёлар, жонхон ўлкамиз ва унга туташ бўлган ҳудудлардан топишган ўсимлик ва ҳайвотот дунёсининг ноёб топиломалари, турли шаклардаги кристалл ва минераллар ҳар қандай кишини ҳайратга солиши турган гап.

Тоғ жинсида томир бўлади, десак, ишонаверинг. Чунки Тоғ жинсидаги фе-

руза томирлар топилишидан бошдан оёқ индизлар ўтган бўлиб, кишининг ақлини шоширади. Неча минг йиллар илгари яшаб ўтган ҳайвот ёки ўсимликнинг тошга муҳланган излари, ё бўлмаса, худди дарахтин эслатадиган тош ҳайратингизга ҳайрат қўйиши, шубҳасиз. Динозавр скелети-чи? Бу гаройиб экспонат ҳам мазкур музейдан ўрин олган. Музей мутасаддиларининг айтишича, ушбу скелет бундан 100-120 миллион йиллар илгари яшаган динозаврга тегишли бўлиб, Тошкент вилояти ҳудудидан топилган. Қолаверса, мана шу экспонат музейнинг халқро микёсдаги обрўсини кўтариб турибди. Чунки тўла ҳолида топишган динозавр скелети дунё буйича жуда кам.

— Музейда Ватанимизнинг дунё аҳамиятига молик бўлган ноёб геологик мероси экспозициялари тез-тез намойиш этиб турилади, — дейди музей директори Раҳимжон Умурзоқов — Ушбу ёдгорликлар табиатнинг узвий бир қисми бўлиб, илмий, маърифий, маданий, иқтисодий томондан миллий бой-

лик ҳисобланади. Уларнинг бизгача етиб келгани — бу мамлакатимиз обрўси. Айтиш жоизки, бу каби ёдгорликлар ҳали ер остида жуда кўп. Демак, уларни ҳам излаб топиш ва халқимизга бойлигига қўйиш бизнинг энг муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади.

Музейимиз ҳақиқий маънода маърифат масканидир. Бунга келиб-кетувчилар мисолида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, юртимиз ёшларининг мана шу бойликка меҳрли қўлиб тарбиялашга алоҳида эътибор бериб келмоқдамиз. Мисол учун, ёз ойларида мактаб ўқувчиларининг таътилидан фойдаланиб, пойтахт мактаблари микёсда фестивал ўтказдик. Бу фестивал ёшларимизнинг ер ости бойлиқларига бўлган қизиқишларини ҳамда билимларини янада оширди. Шу сабабли, келаси йилдан бошлаб мазкур фестивални мамлакат буйича ўтказишни рехалаштираёلمиз. Мақсадимиз — ёш авлод қалбига ана шу бойлигимизга меҳр уйғотиш ҳамда иқтидорли ёшларни шу соҳага йўналтириш.

Геология

Сунгги йилларда «Геология» музейи

ўз фаолияти доирасини кенгайтириб, яна бир муҳим йўналишга — Ўзбекистон учун ноанъанавий минерал хом ашёларнинг янги манбаларини излаб топишга эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Бу ишга юртимизнинг таниқли геолог олимлари жалб этилган. Натижада ўнлаб янги минерал ва кристаллар топилиди, эндиликда улар ўзбек олимлари номи билан аталмоқда. «Геология» музейидан олган таассуротларимиз жуда жозибали бўлди. Аҳир, бир-биридан мукаммал ва қимматли топиломалар қимни ҳайратлантирмайди, дейсиз? Шу тоғда ҳаёлимизга замини зар юртимизнинг ер ости ҳам хазиналарига бой экан, деган фикр келди. Дарҳақиқат, шундай. Ҳали заминимиз қанчадан қанча ўта қимматли минералларни, кристалларни, ҳайвотот ва наботот олами қондиқларини ўз бағрида сақлаб келаётгани аниқ. Вақти келиб, улар ҳам захматқаш билан халқимиз бойлигига айланиши, шубҳасиз.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
қуйидаги профессор-ўқитувчилар лавозимларига шартнома асосида
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
• Нефть-газни қайта ишлаш кимёвий технологияси кафедраси: катта ўқитувчи.
• Саноят экологияси кафедраси: ассистент.
• Технологик жараёнлар ва курилмалар кафедраси: ассистент.
• Қанд ва бижгиш маҳсулотлари технологияси кафедраси: ассистент.
• Ёғ, мой ва дон маҳсулотлари технологияси: ассистент.
• Саноят иқтисодиёти ва менежменти кафедраси: ассистент.
• Тиллар кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи.
• Фалсафа ва маънавият асослари кафедраси: доцент, катта ўқитувчи.
• Механика асослари ва муҳандислик графикаси кафедраси: катта ўқитувчи.
Юқоридаги лавозимларга тегишли номзодлардан ҳужжатлар рўномада танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан қабул қилинади.
Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй, кадрлар бўлими. Телефон: 144-79-31.

ЕВРООКНА И ДВЕРИ
• изготавливаются на заказ по немецкой технологии на немецком оборудовании
• из дерева высококачественных хвойных и лиственных пород
Тел.: 775-45-75, 269-15-33, факс 262-39-66, e-mail: toemz1@sarkor.uz

SONATA Ўз йўлингни танла!
КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Drive your way
Official Partner
Tel. 250-11-11

«O'ZGEOBURGUNEFTGAZ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ
«ТЕХНИК ТАЪМИНЛАШ ВА БУТЛАШ» UNITAR SHO VA KORXONASI
қуйидаги товар-моддий бойлиқларни сотиб олиш юзасидан танлов савдосини эълон қилади:
1. Автошина 1300 x 530 x 533
2. Автошина 1220 x 400 x 533
3. Автошина 1200 x 500 x 508
4. Автошина 14.00 20(370x508)
5. Автошина 12.00 — 18 нс. 8
6. Автошина 7,5 — 16 — 10PR
7. Автошина 9.00 R 20(260x508)
8. Автошина 12.00 R 20(3260x508)
9. Автошина 11.00 R 20(300x508)
10. Аккумулятор 6СТ190
11. Пўлат аркон 6,5 ммдан 38 ммгача
12. Автомашина УАЗ «Patriot» (дизель ёқилгисидан ишлайдиган)
13. Автомашина УАЗ «Hunter» (дизель ёқилгисидан ишлайдиган)
14. УНБ-600 насоси учун 130 ммдан 200 ммгача бўлган втулкалар
15. УВ-250 вертлюги учун №889752 XI подшипниги
16. УВ-250 вертлюги учун №32144 подшипниги
17. УВ-250 вертлюги учун №8156 подшипниги
18. Р-560 ротори учун №91682/750 подшипниги
19. Р-560 ротори учун №1681/670 подшипниги
20. УНБ-600 насоси учун К-9 клапани
21. Электрод 3-4 мм (Хитой)
22. Куевур ВГП Д-15x2,5 мм, ГОСТ 3262-75
23. Куевур ВГП Д-20x2,5 мм, ГОСТ 3262-75
24. Куевур ВГП Д-25x2,5 мм, ГОСТ 3262-75
25. Куевур ВГП Д-32x2,8 мм, ГОСТ 3262-75
26. Куевур ВГП Д-40x3,0 мм, ГОСТ 3262-75
27. Куевур ВГП Д-50x3,0 мм, ГОСТ 3262-75
28. Руҳланган тунука 0,4-0,5 мм, 1000x2000 мм
29. Арматура Д 10 ммдан Д 28 ммгача
30. Уголок 40, 50, 63, 75 мм, ГОСТ 8509
31. Мих 50 ммдан 120 ммгача
32. Пўлат тунука
33. Ингичка пўлат чивик (катанка) Д 5-6 мм
34. Швеллер
35. Ғўла (кругяк).
36. Тахта
37. Антифриз.
Танлов савдоси мuddати — эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 20 кун.
Танлов савдоси шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: «Техник таъминлаш ва бутлаш» унитар шўъба корхонаси, 180100, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Соҳибкор кўчаси, 7-уй.
Тел./факс: (8 375) 221-10-33, 227-50-19. Электрон почта: Uyab@inbox.uz

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ»
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ. СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%
а также:
КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте)
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЬЕ ПОДДОНЫ
Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04
Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127 zakamsk-group@mail.ru
Мухтарам газетхон! Газетамизнинг ушбу сонидоги қўшаҳифа бепул олова қилинмоқда.



Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уни ҳар томонлама ривожлантириш орқали мазкур соҳанинг мамлакат иқтисодийотидаги улуғлигини кўпайтиришни таъминлаш энг устувор вазифалардан бири саналади. Чунки аҳоли бандлигини ошириш, фаровонликка эришиш, бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш каби долзарб масалаларни ҳал этишда айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибасида ҳам ўз исботини топган.

ФАРОВОНЛИК МАНБАИ



Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг иқтисодий ҳаётдан фол қатлами молиявий қўллаб-қувватлашда юртимизда фаолият юритаётган банкларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ташкилотининг фаолият илмий банки томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган юрдошларимиз учун жуда қўл келаяпти. Натижада улар мазкур соҳа орқали нафақат даромад орттиришяпти, балки янги-янги иш ўринлари яратиб билан аҳоли бандлигини оширишга ҳам


сасалари линиялари шулар сирасига киради. Эришилган натижаларни рақамларда ифодаладиган бўлсак, ҳозирга қадар барча молия ташкилотларидан фақатгина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришга жами 471 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ йўналтирилди. Бугунги кунда 269,1 миллион АҚШ доллари миқдоридagi 174 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Хорижий молия муассасаларининг кредит линиялари ҳисобига ажратилган кредитлар таркибини мулкчилик шаклига қараб тахлил этадиган бўлсак, "Ўзмиллийбанк" томонидан биргина кичик бизнесни ривожлантириш орқали қўллаб соҳаларни янада юксалтириш камраб олинганини кўриш мумкин. Қолаверса, қўшма корхоналар улуши юқорилиги уларга ушбу кредит линиялари ёрдамида хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш имконини бера-япти.

Кредитлар асосан озик-овқат, энгил саннат, курилик материалларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, кимё, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда фаолият юритаётган корхоналарни замонавий технология ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга йўналтирилмоқда. Натижада бугунги кун талабига жавоб берадиган, ҳар томонлама рақобатбардosh маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бормоқда.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, "Ўзмиллийбанк" тақдим этилган лойиҳаларни ўрганиб чиқишда уларнинг ҳам импорт ўрнини босувчи, ҳам экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилганлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Банк молиялаштирган қўллаб лойиҳаларнинг тулиқ ишга туширилиши туфайли мамлакатимизда импортнинг сезиларли даражада камайишига, экспортнинг эса ошишига эришилмоқда. Яъни, лойиҳаларни амалга ошириш даврида жами 200 миллиард сўмлик озик-овқат ва энгил саннат, курилик материаллари, қишлоқ хўжалиги, кимё санноти маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 57,3 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот четга сотилди. Бу республикамиз ташқи савдо балансида иқобий салёдога эришилди. Банк ҳам ўз ҳиссасини қўшганидан дарак беради.


Жорий йилнинг 9 ойида хорижий валютада умумий кредит суммаси 26,5 млн. АҚШ доллари миқдоридagi жами 32 та лойиҳа молиялаштирилди.

Мухтасар қилиб айтганда, "Ўзмиллийбанк" ўзининг молия бозоридagi ўрнини янада мустаҳкамлаш, миқдорларини кўпайтириш, миқдорларини банкка бўлган ишончини ошириш, миллий иқтисодиётимизни изчиллик билан ривожлантиришдаги иштирокини кенгайтириб бориши ўзининг асосий вазифаси, деб билади.



муносиб ҳисса қўшишяпти. Таъкидлаш жоизки, "Ўзмиллийбанк" кичик бизнесни нафақат соҳа жиҳатдан қўлайитириш, балки сифат жиҳатдан ҳам ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада оддий ишлаб чиқаришдан ички ва ташқи бозорга йўналтирилган мураккаб, юксак технологияга асосланган ишлаб чиқаришга ўтиш масаласи асосий эътиборга олинган. Шу

лотларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришга мўлжалланган бир қанча кредит линияларини жалб қилишга муваффақ бўлди. Европа Тижорат ва Тараққиёт банки, Осев Тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, "КФВ" банки (Герман), ОПЕК жағмағариси, Ислам Тараққиёт банки, Хитой Тараққиёт банки ва бошқа қўллаб халқаро молия муас-



АТ "Пахтабанк"и жамоасининг барқарор фаолияти халқаро рейтинг компаниялари томонидан юқори баҳоланмоқда.



ДУНЁ ЭЪТИРОФИГА ЛОЙИҚ БАНК

Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида

барча соҳаларида амалга оширилаётган тарихий-ташкिलий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада жадаллаштириш ва чуқурлаштириш йўли бўлди. Хусусан, 2007 йил мамлакатимизнинг энг йирик акциядорлик тижорат банкларидан бири — "Пахтабанк" фаолиятида ҳам катта из қолдирди. У мамлакат Президентининг "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ва "Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва уларнинг иқтисодий-технологик модернизация қилиш ва инвестициявий жараёнлардаги иштирокини фаолаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларига жавобан ўзининг тарихий-ташкиллий тузилмасини такомиллаштирди, иқтисодий са-

юмуш билан келсанг, 10-15 дақиқада ишинг битида. Ҳа, эришилган бу ютуқлар замирида банк раҳбарияти, малакали мутахассислар ҳамда бутун жамоа аъзоларининг самарали меҳнати мумкин. Улар асосий эътиборни банкнинг ташкиллий тузилмаси ва стратегиясини жаҳон андозлари даражасига кўтариш орқали молиявий барқарорликни таъминлаш, аҳоли ҳамда кенг жамоатчиликнинг банкка бўлган юксак ишончини янада оширишга қаратилмоқдалар. Ҳозирги кунда "Пахтабанк" турли соҳаларда фаолият юритаётган барча мулк шаклидаги 209 миңдан зиёд юридик ва 265 миңдан кўпроқ жисмоний шахслардан иборат миқозларига замон талабларига мос банк хизмати кўрсатмоқда.



деқ, "Ўзмиллийбанк" Корея "Эксимбанк"и кредит линияларини ҳам жалб қила-япти.

Юқорида келтирилган далил ва рақамлар банкнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга биргина хорижий молия муассасаларининг кредит линиялари ҳисобидан ажратилаётган кредитларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига, жумладан, кичик бизнесни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси қай даражада эканини кўрсатади. Банкнинг ўз маблағлари, нобуджет ва Молия вазирлиги қошидаги махсус жағмағари маблағлари ҳисобидан ҳам кичик бизнес субъектларини молиялаштиришда юқори кўрсаткичларга эришилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида ана шу мақсадларга 274 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бу эса яна бир қанча лойиҳаларнинг амалга ошганини, қўллаб янги иш ўринлари яратилганини кўрсатади.

Тарихдан маълумки, ҳамма замонларда, барча юртларда банк ва молия институтлари тизими тараққиётнинг қон томири сифатида давлатнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга, халқ турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилиб келган. Зеро, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳнамолигида банк ва молия тизимини жаҳон андозлари талаблари даражасида такомиллаштиришга жиддий эътибор бериб келинмоқда.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, ўтган 2007 йил мамлакат иқтисодиётининг



лоҳиятини янада мустаҳкам-лади.

Бугунги кунда банкнинг минтақавий Қорақалпоғистон Республикаси ва 12 та вилоят бошқармалари ҳамда уларнинг таркибига кирувчи 186 та филиал, 709 та минибанк, 160 та махсус кассаси миқозларига намунали хизмат кўрсатмоқда. Айниқса, кейинги йилларда банк хизмат турлари қўпайиб, қўламини кенгайтириб, сифат жиҳатдан тўла такомиллаштирилмоқда.

Мен ортқика маблағларини қўллаб "Пахтабанк"нинг Қўшрабат тумани филиалига қўяман, — дейди ушбу туман-

лари орасида биринчи бўлиб "Fitch Ratings" халқаро рейтинг компаниясининг "Барқарор" тоифасидаги тулиқ рейтингини олишга муваффақ бўлди.

Дарҳақиқат, биз юқорида АТ "Пахтабанк"нинг йил давомида амалга оширган муваффақиятларини бирма-бир санамадик. Бу — мутахассисларнинг, бориники, халқаро рейтинг компанияларининг вазифаси. Биз уларнинг ва "Пахтабанк" хизматидан манун бўлаётган миқозларнинг эътирофини, эъзосини баён этдик, ҳолос. Зеро, ҳеч кимни юрт манфаати, одамлар фаровонлиги, Ватан раҳнақи учун курашдан, бир сўз билан айтганда, савоб ва саҳоват қилишдан айирмасин. Бизнес қилиш учун "Пахтабанк"дек барқарор ҳамкорини танлаган тадбиркор асло адашмайди.



Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунарига бағишланган мажлисида мамлакатда рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш, хариддорғир маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш бўйича ўз зиммасига мажбуриятлар олаётган ишончли ва маъсул яратилган инвесторларни хусусийлаштириш жараёнларига жалб этиб, улар учун энг қўлай шарт-шароитлар яратиб зарурлиги таъкидланган эди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкнинг Хоразм вилояти филиали ҳам фаол иштирок этмоқда.

Бугунги кунда бу жамоа вилоят иқтисодиёти ривожидида катта ўрн эгаллаб, воҳа аҳолиси, айниқса, чека туманлар аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш ва фаровонлигини ошириш, пул муомаласи барқарорлигини таъминлаш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш ҳамда миқозларнинг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётгани бунинг далилидир. Филиал ва унинг 7 та минибанкида, жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига қўра, йилнинг 1 сентябрь ҳолатига қўра, кредит сўми ташкил этди. Қўра ва узоқ муддатли кредитлар ҳажми 7,8 млрд. сўмга етди. Шундан санаотга 263,7 млн. сўм, қишлоқ хўжалигига 2,3 млрд. сўм, савдо воситачилигига 1,1 млн. сўм, курилик, хизмат учун 1,1 млн. сўм, қишлоқ хўжалигига 1,7 млрд. сўм ва бошқа соҳаларга 2,5 млрд. сўм миқдоридagi кредитлар ажратилди.

Шу билан бирга, филиал ақли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий жи-

«Асакабанк»: МИҚОЗЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

риш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилиб, ушбу соҳага 187,5 млн. сўм қўра мuddатли, 112,5 млн. сўм миқдоридagi узоқ мuddатли кредитлар ажратилди. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3434-

нинг чакана савдосини тартибга солиш кўзда тутилган эди. Бу қарорнинг ижросини таъминлаш учун «Урган марказ» деҳқон бозори» курилишига банк томонидан жами 1,5 млрд. сўм миқдоридagi кредит ажратилди. Шунингдек, бозор худудидида «Марказ минибанки» ҳамда 7 та махсус касса ташкил этиш орқали аҳолига барча турдаги банк хизматларини

кўрсатиш режалаштирилмоқда. Шу мақсадда ана шу инфратузилма объектлари зарур мебель ва замонавий маъиш-техника жиҳозлари билан таъминланди. Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги «2010 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-640-сонли Қарори асосида эса, Урган шаҳридаги ал-Хоразмий қўчасида жойлашган биндон қайта таъмирлаб, уюлдузли меҳмонхонага айлантириш ва аҳолига намунали хизмат кўрсатиш мақсадида 70 млн. сўм миқдоридagi кредит берилди. Натижада 32 та янги иш ўрни очилди.

Филиал ақли Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон талабларини ҳам ҳаётга кенг татбиқ этмоқда. 2008 йилнинг ўтган даврида эш оилаларга 1,1 млрд. сўм миқдоридagi ипотека


кўрсатиш режалаштирилмоқда. Шу мақсадда ана шу инфратузилма объектлари зарур мебель ва замонавий маъиш-техника жиҳозлари билан таъминланди. Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги «2010 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-640-сонли Қарори асосида эса, Урган шаҳридаги ал-Хоразмий қўчасида жойлашган биндон қайта таъмирлаб, уюлдузли меҳмонхонага айлантириш ва аҳолига намунали хизмат кўрсатиш мақсадида 70 млн. сўм миқдоридagi кредит берилди. Натижада 32 та янги иш ўрни очилди.

Амалга оширилаётган ана шу тадбирлар натижасида банк ва миқоз ўртасидаги ишонч ришталари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу эса, филиал аҳоли аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга янада сифатли банк хизматлари кўрсатишга даяват қилмоқда.

Саҳифа банклар матбуот хизматлари материаллари асосида тайёрланди.

ШАРҚ ДУРДОНАСИ

Ўзининг бой тарихи ва маданий меросига эга бўлган Самарқанд Истиқлол йилларида ҳар жиҳатдан обод ва ораста, кўркам ва шукўхли масканга айланди. Шаҳар тимсолида ўзбек халқи тарихий меросни қайтадан англаш, миллий гурур, ўз маданияти ва анъаналари, тили ва маънавиятини тиклаш имкониятига эга бўлди. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида бу қадим заминда қанчадан-қанча эзгу мақсадларга хизмат қилувчи улуг ишлар амалга оширилди. Ислам маданияти ва илми ривожига муносиб ҳисса қўшган не-не аждодларимизнинг номлари улугланди, уларнинг зиёратгоҳлари обод қилинди.



Жумладан, Имом Бухорий, имом Мотрудий, ат-Доромий ёдгорлик мажмуаларининг барпо этилиб, буюк муҳандислар руҳлари шод этилиши, Шоиҳ Зинда ёдгорлик мажмуининг қайта тикланиши ва муҳим реконструкция қилиниши ва яна бу каби кўплаб эзгу ишларнинг амалда бажарилгани халқимиз дилидаги азалий орзуларнинг ушатишига хизмат қилди.

1996 йилнинг 18 октябри шаҳар тарихидаги унутилмас кунлардан бири бўлиб қолди. Шу кун Самарқандда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан соҳибқирон хайкалининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Юртбошимиз кўҳна шаҳарнинг Амир Темур ва темирўйлар давридаги қиёфаси ҳақида гапириб, Самарқандга "Ўтмиш шарофли, бугун саодатли, келажаги абдий шаҳар" дея таъриф берди. Айнан шу маросимда Президентимиз шаҳар байроғига биринчи рақамли Амир Темур орденини қадаб қўйди. Ва бундан буён 18 октябрни "Самар-

қанд кун" сифатида нишонлашни тақдир этди.

Мана, ўн икки йилдики, самарқандликлар айнан шу санада жонажон шаҳарларининг қутлуғ кунини байрам қиладилар. Шундан буён бу кун бутун шаҳар жамоатчилиги, оқсоқоллар томонидан эрта тонгдан Амир Темур ҳазратлари ҳоқи поклари қўйилган Гўри Амир мақбарасида муборак Кўрбон тиловатидан, соҳибқирон хайкали пойига гуллар қўйишдан бошланади. Бу кунга шаҳарликлар барча соҳаларда арзирли соғвалар билан келишга ҳаракат қилишади. Аҳоли фаровонлигига хизмат қилувчи турли иншоотлар фойдаланишга топширилади. Маҳаллаларда тозалик, орасталикка эътибор қаратилади.

Бугунги Самарқандни бундан 15-20 йил аввалгиси билан асло таққослаб бўлмайди. Аждодларимиз ақл-заковати билан яратилган Регистонга назар солайлик. Чор-атрофга боқиб, ҳузур қилсан. Ҳар бир қосин, равоқ, бўёқ — ҳамма-ҳаммаси ҳайратланарли. Бу кўҳна манзил-

ни ҳар гал қайтадан кашф этасан, унинг мўъжизаларидан хайратга тушасан. Назаримда, Регистонда илоҳий сўх бор, мўъжиза бор. Неча аслардан буён шаҳар чиройига чирой, салобатига салобат қўшиб турган Регистон ҳеч бир замонда бугунгидек яшнаб кетмаган. Атрофдаги бошқа осори-атиқалар билан бунчалик даражада уйғунлашмаган.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Самарқанд шаҳрини ривожлантиришнинг 2025 йилгача бўлган бош режаси ишлаб чиқилган, шаҳарнинг кўҳна шаҳар манзараси тубдан ўзгарди. Регистон ансамбли, Гўри Амир мақбараси, Биби-хоним жомеъа масжиди, Шоиҳ Зинда ёдгорлик мажмуаси, Улғубек расадхонаси каби бир йўналишда жойлашган атрафдаги ёдгорликлар атрофдаги кўрimsиз иншоотлардан халос этилиб, уларнинг бир бутунлиги, уйғунлиги таъминланди. Бу билан

уларнинг ҳаққоний панорамаси ўз аксини топди. Айнан шу йўналиш бўйича туризм ҳаракати йўлга қўйилди.

Гўри Амир ва Рўхобод мақбараларига туташ тўрт гектарлик янги хиббонда зилол сувли чашма кўз очди. Бир ёнда эса булоққа ҳамонханг "Шарқ тароналари" фавориси жиловланди.

Хўш, бу булоқ, бу гўзал хиббон аввал қайда эди? Нега биз улардан шу пайтга

билан боғлиқ эслашга арзирли воқеалар кўп. Шаҳар ва қишлоқларда барпо этилаётган бир-биридан мухташам коллежлар, лицейлар, мактаблар, шифо масканлари ёшлар камолоти йўлида, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар одамлар турмуш фаровонлигининг янада яхшиланишига хизмат қилаяпти.

Дарвоқе, ўтган ўн етти йилда Самарқандда сановат, қурилиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни, туризмни ривожлантириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Бугун Самарқанд ўз автомобил заводига эга. Унинг конвейеридан чиқибатган "Isuzu" русумли автобуслар, юк машиналари хорижга ҳам экспорт қилинапти. "Эл-ҳолдинг", "Сино", "Лифтсозлик" каби қатор сановат корхоналарида ривожланиш сари дадил одим ташланаёпти.


Хуллас, азалдан дунё нигоҳида бўлган кўҳна Самарқанд кўз ўнгимизда яшнаб, яшариб бораёпти. Унинг эртаси янада порлоқ эканлиги ҳақида бу заминда бугун амалга оширилаётган эзгу ишлардан дарак беради. Ўтган йили Юртбошимиз раҳнамолигида ўзининг 2750 йиллик тўйини нишонлаган боқий шаҳар — Самарқанднинг ёруғ келажаги сари интилаверади.

Темур ШИРИНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Даромадлар камайгани учун

Ичимликлар ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги етакчи компаниялардан бири — «PepsiCo» иш ўринлари сонини 3300 тага (1,8 фоиз) гача қисқартиришни маълум қилди.



«Bloomberg» ахборот агентлиги хабариди келтирилишича, компания асосан маркетинг ва савдо бўлиmlарида меҳнат қилаётганлари ўз вазифасидан озод қилмоқчи. Шуниингдек, компанияга тегишли олпта завод фаолияти ҳам тўхтапди. «PepsiCo»нинг

бундай қарорга қелишига жорий йил учинчи чорагида даромадлар ҳажмининг кескин тушиб кетгани сабаб бўлган. Маълумотларга қараганда, шу давр мобайнида компания қўрилганидан 1,58 миллиард АҚШ долларини миқдориди кам фойда қўрган.

Кўлга олинди

Италияда йирик жиноий гўдалардан бирининг етакчиси Антонио Пелле исмли шахс кўлга олинди.

Хабарларда келтирилишича, у бир неча йил мобайнида Калабрия шаҳридаги «Ндрангета» жиноий гуруҳини бошқарган. Антонио бир қатор жиноятлари содир этганида айбланмоқда. Жумладан, у Германиянинг Дисбург шаҳрида олти нафар Италия фуқаросининг ўлдирилишига сабабчи бўлгани айтлапти.

2007 йилдан буён қидирувдаги жиноятчини полиция Калабрия шаҳридаги ер ости яширин жойларидан бирида кўлга туширган.

Қуролли тўқнашувлар

Туркиянинг шимоли-шарқиди мамлакат ҳарбийлари ва қурд айирмачилари ўртасида қуролли тўқнашувлар содир бўлди.

Маълумотларга кўра, Туркиянинг Ироқ билан чегарадош ҳудудида Курдистон иши партияси (КИП) асосий кўчлари жойлашган бўлиб, бу ерда икки минг нафар қурд айирмачиси макон топан. КИП вакили Аҳмед Денизнинг айтишича, тўқнашув пайтида ҳукумат қўшинининг тўрт нафар аскари қурбон бўлган, Туркия армиясига тегишли вертолёт уриб туширилган. Мамлакат ҳарбийлари эса беш нафар жангарини ер тишлатишга муваффақ бўлган.



Айтиш жоизки, Туркия ҳукумати ва КИП ўртасида ҳудудиятлар 1984 йилдан буён давом этиб келаёпти. Мана шу ўтган давр мобайнида юзага келган тўқнашуларда 44 минг киши қурбон бўлган.

Алоқалар йўлга қўйилади

Ливан ва Сурия ҳукуматлари мустақилликка эришганларидан олтиш йил ўтгач, улар орасида илк бор дипломатик алоқалар йўлга қўйилган бўлди.

Бу ҳақида кўша баёнота Сурия ва Ливан ташқи ишлар вазирилари Валид Муаллем ҳамда Фаузи Саллүх имзо чекишти.

Ливан Бош вазири Фуад Синиоранинг айтишича, бу воқеа икки мамлакатнинг тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Рўйхат

ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилати дунё бўйича солиқлар ҳажми юқори бўлган давлатлар рўйхатини эълон қилди.

Унга кўра, 2007 йил якуни бўйича солиқ ставкалари Дания ва Швеция мамлакатларида юқори бўлган. Жумладан, ўтган йили Данияда ялли ички маҳсулот ва даромадлардан олинган солиқлар 48,9 фоизгача кўтарилган. Швецияда эса бу кўрсаткич 48,2 фоизни ташкил этган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилати 30 давлат аъзо. Мазкур кузатишлар ҳам айнан ана шу мамлакатлар доирасида олиб борилган.

Портлаш оқибати

Афғонистоннинг Хелманд музофотида портлаш содир этилди.

«Reuters» ахборот агентлиги маълумотларига кўра, ҳунрезлик Буюк Британия ҳарбийлари қароғочи қинида амалга оширилган. Натижада бир нафар аскар ҳаятдан кўз юрган. Хозирча мазкур кўпорувчилик ҳаракатини бирор-бир гуруҳ ўз зиммасига олганича йўқ.

Маълумотларда 2001 йилдан буён Афғонистон ҳудудида Буюк Британиянинг 121 нафар ҳарбийси ҳалок бўлгани келтириб ўтилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ИЖОДКОРЛАРГА ИЛҲОМ БЕРГАН ҲАФТАЛИК

«Style.Uz-2008» Дизайн ва мода ҳафталиги нафақат юртимиз мода илхомландлари, балки хорижлик меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу кўплаб мамлакатлардан ташриф буорган меҳмонларнинг таассуротларида ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Гертруд ТАУХХАММЕР, Австриянинг «Society» журнали бош муҳаррири:

— Дизайн ва мода ҳафталиги мени жуда ҳайратлантирди. Негаки, унда Ўзбекистондаги ёш модельерлар, одамларнинг ҳақида ўзим кутгандан ҳам анча кўп ва яхши таассуротлар олдим. Ёш ўзбек модельерларининг интилувчанлиги, изланувчанлиги, янгиликка ўчлиги баробарида ўз миллий кўдрият ва анъаналарига юксак ҳурмати таҳсинга лойиқдир. Уларнинг ижоди эса ҳам давлат, ҳам «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси каби жамоат ташкилотлари томонидан кўплаб-қувватланаётганига ҳавас қилса арзийди.

Норио СУРИКАБЭ, япониялик дизайнер:

— «Style.Uz-2008» Дизайн ва мода ҳафталиги давомиди Ўзбек модаси ва умуман, юртимизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар, одамларнинг ҳақида ўзим кутгандан ҳам анча кўп ва яхши таассуротлар олдим. Ёш ўзбек модельерларининг интилувчанлиги, изланувчанлиги, янгиликка ўчлиги баробарида ўз миллий кўдрият ва анъаналарига юксак ҳурмати таҳсинга лойиқдир. Уларнинг ижоди эса ҳам давлат, ҳам «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси каби жамоат ташкилотлари томонидан кўплаб-қувватланаётганига ҳавас қилса арзийди.

Каролина Груози — ШОФЕЛЬ, Швейцариянинг «Chopard» заргарлик компанияси вице-президенти:

— Ранг-баранг тадбирларга бой Дизайн ва мода ҳафталиги ўзбек модасини халқор микёсда танитиш имконини беради. Ҳафталик давомиди ўзбекистонлик бир қатор модельер ва

дизайнерларнинг ижоди билан танишдим. Уларнинг либослар тўпламлари янгиликлар, кутилмаган голярга бойлиги билан мени жуда ҳайратга солди. Нафақат мода, балки санъат, гўзаллик байрамига айланиб кетган ушбу тадбир юртингиз ва бошқа давлатлардан келган ижодкорлар учун ҳам битмас-туганмас илхом манбаидир.

Роберто БРЭ, Италиянинг «Mantero Seta» матолар ва безаклар компанияси вакили:

— Мени Ўзбек миллий матолари гоёта маҳлиё этди. Дунёнинг ҳеч бир мамлакатиди бундай қиройли ва ўзига хос матоларни учратмайсиз. Сифати, тайёрланиш жараёни, модельер ва дизайнерларнинг ушбу матолардан ростокам мўъжизалар яратиши ҳар қандай кишини ҳайратга солди. Юксак савияда, кўтаринки руҳда ўтган Дизайн ва мода ҳафталигининг бошқа меҳмонлар каби мен ҳам бир олам таассурот олдим.

Михаэль ФУШ, австриялик расом:

— Шарқ мавзуси жаҳоннинг аксарият ижодкорлари учун ҳаммаша илхом манбаи бўлиб келган. Шу маънода, ўзбек аёлларининг миллий либослари қадимий ва бой, бетакор тарихини ўзида муҳасам этган. Улар ёрқин, серхашам бўлиши билан бирга, бадий-эстетик жиҳатдан ҳам гоёта мукамалдир. Ҳафталик мобайнида юртингизда мода соҳаси изчил ривожланиши учун ёш истеъдод соҳибларидан иборат юксак ижодий салоҳият ҳам, бой тарихий анъаналар ҳам етарли эканига амин бўлдим.

ЎЗА МУХБИРИ
Назозат УСМОНОВА ёзиб олди.



ҚИШ МАВСУМИ ЯҚИН, ТАЙЁРМИСИЗ?

Ўтган йилги қаҳратон қиш нафақат аҳолини, балки коммуна хизмат, газ, электр, иссиқ сув етказиб берувчи идора раҳбарларини ҳам синовдан ўтказди.

Хўш, бу йилги қорлиқировли қандай таравдул бўлимоқда? Тегишли идора ва ташкилотлар меҳнат жамоаларида, ўқув муассасаларида иш ва машулотларнинг узлуксиз келишига тўлиқ қамқоқ бера оладими?

Шу мақсадда дастлаб шаҳар марказий шифонасида бўлди. Унинг тузуруқхона бўлими ёз фаслидаёқ жорий таъмирланиб, бу ердаги 1,8 чакиримлик ташқи иситиш тармоғи ҳимоя материаллари билан ўраб чиқилибди. Тармоқдаги бошқа камчиликларга ҳам барҳам берилибди.

Шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари учун қишки мавсумга

ҳозирланиш учун 60,6 миллион сўм маблағ ажратилган. Бундан ташқари, қорхона ва ташкилотлар маорифчиларга салкам 2 миллион сўмлик хомийлик ёрдами кўрсатишган. Ота-оналар томонидан ҳам мактаб ва болалар боғчаларининг ҳисоб рақамлари 8,2 миллион сўм бегараз ёрдам пули келиб тушган. Шу боис ҳозир бир қатор мактабларда қишки мавсумга тайёрлариники сунги ишлари поёнига етказилмоқда.

— 35 йилдан буён шу масканда ишлаётган, дейди шаҳардаги 6- мактабгача тарбия муассасаси мудираси Ирина Алексеевна Гамонко. — Марказий иситиш тармоғига яқин бўлганлигимиз тўғрисида қиш авазидан унчалик чўчимасдик. Бирок ўтган йили бино-

мизнинг иккинчи қаватидаги қувурлар совуққа дош беролмай, бир неча жойидан ёриб қетибди. Машулотлар тўхтаб қолди. Назаримда, қишга таравдул кўкландан бошланиши шарт. Бу йил шаҳар ҳокимлиги ва тегишли ташкилотлар мутаассадилари буну тушуниб, аввалдан ҳаракат бошлагани яқин ҳаммаганини қувонтирмоқда.

Биз кўп қаватли турар жой бинолардаги ўзгаришлар билан ҳам қизиқдик. Гап шундаки, Янгйерда 286 та кўп қаватли йил мавжуд. — Анча йиллар аввал устлар иситиш батареялари ва қувурлари янгиши билан алмаштириб берамиз, дея уларнинг олиб кетишган эди, — деди

Шароф Рашидов номли маҳалладаги 15-уй, 17 хонадонда истикомат қилувчи Расулжон Ҳанжазаров. — Устларнинг хозиргача кутамиз. Натижада газ плитасининг устига иккита гиштини қўйиб, қишни ўтказишга мажбур бўлаяпти.

Шу маҳалладаги 17-уйда истикомат қилувчи Гулмира Мирҳайдарова, Муқаддас Турдибековлар ҳам унинг фикрини тасдиқлашди.

Энди бир тасаввур қилиб қўрайлик: газ плитасидан чиқиб турган «зангори олов»дан 24 соат давомиди фойдаланиш одамларнинг, айниқса, болаларнинг соғлиғига зийн етказмайдики? Бу — масалани ҳал қилиш йўли. Иккинчидан,

қиш ойларида кечаси-кундузи қувурлардан оқиб келаётган газни тежамасдан ишлатиш кишиларга нечоғли қимматта

тушаётганини наҳотки уларнинг ўзлари билишмас?

Маълумотларга қараганда, шаҳардаги 8 та уй-жой ширкати аҳолининг коммунал хизмат, табиий газ, ичимлик суви, электр қувватига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Наҳотки, муштарий равишда иш юритувчи бу ширкатлар раҳбарлари бир неча йилдан буён юқорида тилга олинган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўрмаган бўлсалар? Батарея ва иситиш қувурлари неча пул туради, 24 соат давомиди ёниб турадиган газнинг харажати қанчага тушади? Иқтисодий зарар манман деб турган бир пайтда ширкат раҳбарлари баъдан ахтариш билан овора бўлиб қолганини ачинарлидир. Устига устак, газ

ва иссиқлик суви етказиб берувчи қувурлар хонадонларга асосан ер ости орқали тортиб борилган. Шўр, сизот сувлар таъсири тўғрисида уларнинг асосий қисми аллақачон эрозияга учраган. Таъминотдаги узил-кесил, муаммоларнинг асосий сабабини шу ердан изламоқлик керакмасми? Ахир, фойдаланиш муддати 17-20 йил бўлган қувурлар эндиликда кучли босимга дош беролмайпти. Пировавда иссиқлик суви ҳам, газ ҳам ер остига беҳуда сизиб кетаяпти.

Бундай нохуш вазиятдан чиқишининг йўли борми? Албатта, бор. Аввало, қувурлар ер устига олиб чиқилиши, аксарият қисми янгиши билан алмаштирилиши шарт. Табиийки, бунинг учун анча-мунча маблағ талаб этилади. Шуну ҳисобга олиб, шаҳар ҳокимлиги тадбиркорлар, хомийлар, тегишли идора ва ташкилотларнинг бошини бир жойга қовуштириши керак. Эеро, «Кўпдан кўн қочиб қўтилмас» деган нақл бежиз айтилмаган.

Аликул ХОНИМКҲУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Лондон марказидаги Кириллик санъат коллежида «Ўзбекистон — болалар нигоҳида» фотокўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбир юртимизнинг Лондондаги элчихонаси томонидан «Про Арт энд компани» маданий-илмий-ишлаб чиқариш уюшмаси (Англия), «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Британия Кенгаш билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Англия санъат ва жамоат арбоблари, ишбилармон доира, шунингдек, мамлакатдаги хорижий дипломатия корпуси вакиллари иштирок этди.

АНГЛИЯДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ ФОТОКЎРGAЗMАСИ

Коллеж галереясида Тошкент шаҳридаги бир қатор «Меҳрибонлик» уйлари ва болалар ижодиёти марказлари 30 нафар тарбияланувчисининг 120 та асарини намойиш этилди. Уларда Ўзбекистоннинг табиати, ўзбек халқи анъаналари, кўп миллилати маданияти ва динлараро тотувлик, шунингдек, юртимиз болаларининг кундалик ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилувчи турли мавзулар ўз ифодасини топган.

Фотокўргазманинг очилиш маросимиди сўзга чиққан «Про Арт энд компани» маданий-илмий-ишлаб-чиқариш уюшмаси директори Весна Петкович мазкур лойиҳани биргалликда муваффақиятли амалга оширишда кўрсатилган кўмак учун «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва бошқа ҳамкорларга миннатдорлик билдирди. У оддий ўзбек болаларига нафақат янги ижодий кўникмаларни ўзлаштиришга ва ривожлантиришга, балки хорижда Ўзбекистон ҳаётининг турли қирраларини беғубор болалик нигоҳи билан намойиш этишга имкон яратган фотокўргазманинг концептуал гоёси ўзига хос аҳамиятга эга эканини таъкидлаб ўтди.

Мамлакатимизнинг Англиядаги элчиси тадбир иштирокчиларига ўсиб келаётган ёш авлодини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш борасида давлатимиз томонидан юритилаётган сиёсат. Ёшлар илми доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли тадбирлар, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг фаолияти тўғрисида сўзлаб, бундай лойиҳаларнинг Ўзбекистон билан Англия ўртасидаги маданий ҳамкорлигини ривожлантиришдаги аҳамиятини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистонлик ёш иқтидор соҳибларининг фотосасарлари кўргазма меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, журналистлар иқтисодий институтининг котиби Патрик Эмек ўз мамнуниятини изҳор этиб, қуйидагиларни таъкидлади: «Кўргазма, дарҳақиқат, мафтунқордир ва у бизга Буюк Британиядан туриб болалар нигоҳи орқали мамлакатингиз ҳаёти тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, фотосуратлар жўшқинлик ва мазмунга бой. Мен бу ерга юртингиз ҳаёти билан ақидан танишиш мақсадида келдим. Фикримча, бу ҳақида ҳеч ким ёш авлод сингари мароқлироқ ҳикоя қилиб бера олмас керак».

«Кўргазма ҳақида эшитганим захотийёқ, менда уни кўриш хоҳиши уйғонди, чунки мен ҳам бир вақтлар сурачак бўлганман, — деди Лондон шаҳри «Хаверинг» тумани мэри маслаҳатчиси Кевин Грегор. — Ушбу фотосуратлар гоёвий жиҳатдан Ўзбекистон келажакини болалар нигоҳи билан ақд эттирган. Лойиҳа жуда гўзалдир, мен шу дамга қадар бундай ажойиботнинг гувоҳи бўлмаганман. Бу қандайдир янгича, бетакорр ва жонли тасвирга эга. Мен бу фотокўргазмага мафтун бўлдим. Раҳмат».

«Жаҳон» АА
Лондон.

Бозор шароитида иқтисодий муносабатларнинг янги йўналишларини шакллантириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро тўловларни амалга ошириш, молия-кредит амалларини бажариш орқали улга кенг доирадаги банк хизматларини кўрсатишда молия муассасаларининг алоҳида ўрни бор. Қувонарлиси, мамлакатимиз банклари фаолиятини кенгайтириш, активлари ва капиталлари ҳажмини барқарор ўстириш натижасида миқозларга кўрсатилаётган хизматлар ҳажми муттасил кенгайиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодиётининг янада ривожланишига хизмат қилапти.

Республикамиздаги йирик молиявий муассасалардан бири бўлган акциядорлик тижорат «Фаллабанк» ҳам ўз миқозлари сафини тобора кенгайтириб, улга юқори сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. 2008 йилнинг 9 ой давомида капиталлашув даражасини ошириш орқали кенг қамровли актив амалларини бажариш, инвестиция жараёнларида фаол иштирок этиш, аҳоли бўш пул маблағларини депозитлар ҳамда қимматли қоғозларга жалб қилиш, корпоратив бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш асосида янги миқозлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари жамоанинг диққат марказида бўлди. Банкнинг стратегик ривожланиш режаларидан келиб чиқиб, қўрилган бундай чора-тадбирлар ўз самарасини берди. Хусусан, банкнинг умумий капиталга 36,5 миллиард сўми ташкил қилди. Шунингдек, жами активлар 177,4 миллиард сўмга, умумий кредит

лари» Ажда эса 587,8 миллион сўм миқдоридидаги кредит ҳисобига тегиримон тўлик модернизация қилинди. Утган давр ичида тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, хусусан, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳаларини молиялаштириш бўйича 800,0 миллион сўмга яқин инвестиция кредитлари ажратилгани, айниқса, эътиборга молиқдир. Масалан, табиий тошлар қайта ишланадиган «PRO Photo» кўшма корхонасига 407,2 миллион сўм миқдоридида кредит берилган бўлса, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Шахрисабз мебель» кўшма корхонасига замонавий технология ва ускуналар хариди учун 350,0 миллион сўмлик кредит ажратилди. Бу маблағ ҳисобига илгор ускуналар билан қайта жиҳозланган кўшма корхонада айни пайтда 1 250,0 миллион сўмлик мебель ва мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, реализация қилинмоқда. Дарҳақиқат, банк барча лойиҳаларни молиялаштириш бўйича шун

га 390,0 миллион сўм миқдоридида инвестиция кредитлари ажратилди. **Маълумки, чорвачилик ва паррандачилик мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигининг асосий тармоқларидан ҳисобланади. Ушбу тармоқларни ривожлантириш бево-сита юқори сифатли омихта ем таъминотининг қай даража йўлга қўйилганига боғлиқ. Янги қувватларни ишга тушириш орқали ем маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва улга бўлган эҳтиёжни тўла таъминлашга қаратилган ислохотларда ҳам банк фаол иштирок этмоқда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 февралдаги «Республикада омихта ем ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, Нидерландиянинг «Wynveen international» компания-

ларни чуқурлаштириш, фермер ҳўжаликлари ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, фаолиятини ривожлантиришга молиявий кўмак бериш ҳам банкнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Жорий йилнинг 9 ойида шу йўналишдаги 274 та лойиҳани молиялаштиришга 5,7 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратилганлиги бунинг яққол далилидир. Шунингдек, аҳолининг кенг истеъмоли учун мўлжалланган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ва қайта ишланадиган техник экинлар, жумладан, кунгабоқар, масхар, зигир этиштириш бўйича тайёрланган лойиҳаларни молиялаштириш учун 484,0 миллион сўмлик кредитлар берилди. Мамлакатимиз Президенти томонидан имзоланган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори нафақат чорвачиликни ривожлантириш, балки аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойларда бандлик даражасини ошириб, оилалар даромадининг кўпайишига хизмат қилаётди. Мазкур Қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда,

умумий миқдори 2 614,0 миллион сўми ташкил этгани яққол кўрсатиб турибди. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, «Фаллабанк» тизимида аҳолига, хусусан, ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида микрокредитлар, ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиб бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган.** Уни амалда жорий этиш ишлари изчил олиб боришмоқда. Бу ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини бошлашда улга зарур ёрдам кўрсатиш, уй-жой ва маиший шартларини яхшилаш каби мақсадларда молиявий кўмаклашиш имкониятини кенгайтиришмоқда. Жорий йилнинг ўзида ёш оилаларга юқоридаги мақсадлар учун ажра-

Банк хизматлар кўламини мунтазам кенгайтириб бормоқда. «Банк-миқоз» тизими шу мақсадда тақлиф этилаётган янги ва такомиллаштирилган хизматлар. У миқозларга қўлайлик яратиши жиҳатидан банкни миқозларга имкон қадар кўпроқ яқинлаштиради. Хозирги пайтга келиб, банкнинг 60 дан ортиқ миқозли мазкур тизимдан фойдаланмоқда. Яна бир замонавий, дунёнинг исталган нуқтасида миқозларга ўз банк ҳисоб-варақлари ҳолати тўғрисидаги маълумотларни олишга имкон яратадиган «Интернет-банкнинг» хизматини амалиётда жорий этиш юзасидан кенг қўламли ишлар бошлаб юборилди. Жисмоний шахсларга тақлиф этилаётган чакана хизматлар таркибидида, айтиш мумкинки, халқаро пул ўтказмалари ҳам жозибадор бўлиб бормоқда. Шунингдек, республиканинг йирик шаҳар ва туманлари марказларида мазкур хизмат йўлга қўйилди. Улар орқали амалга

Банк кредит портфелининг мулкчилик шакли бўйича тақсимоти (млн. сўмга)

	Кредит суммаси	Фоизларда
жисмоний шахсларга	12 588,3	8,7%
хусусий тадбиркорларга	4 338,1	3,0%
давлат ташиқлотларига	24 207,2	16,8%
қўшма корхоналарга	2 232,1	1,5%
кичик корхоналарга	100 921,8	69,9%
Жами	144 287,5	100,0%

«Фаллабанк»: СИФАТЛИ ХИЗМАТ — ЮТУҚЛАР ОМИЛИ



қўйилмалари ҳажми эса 144,3 миллиард сўмга етди. Бунда узоқ муддатли кредитлар салмоғи 73,5 фоизга тўғри келди. Энг муҳими, кредит қўйилмаларининг асосий қисми саноат, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш каби мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларига йўналтирилди.

Маълумки, иқтисодиётдаги тарқийбий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқариш корхоналарини, тех-

дайд ижобий натижаларга эришмоқда. Бунга Навоий вилоятидаги «Қизилтепа ун заводи» фаолияти яққол мисолдир. Гап шундаки, мазкур корхона тегиримон ускуналари «Фаллабанк» молиявий кўмагида замонавий ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди. Хозирда бу ерда кунига 50 тонна бугдой қайта ишланиб, истеъмолчиларга йилга 10500 тонна ун ва 3750 тонна кепак етказиб бериш имкони вужудга келди. Бундан ташқари, банк кредитлари ҳисобига Қорақалпоғистон Респуб-

сидан омихта ем ишлаб чиқариш ускуналарини келтириш ҳамда «Ўздонмаҳсулот» АК тизимидаги корхоналар, хусусан, «Тошкентдонмаҳсулотлари» АЖ ҳамда «Дунё-М» АЖга ўрнатиш белгиланган эди. Бундай ускуналарни келтириш учун банк томонидан мазкур корхоналарнинг ҳар қайсига 1000,0 миллион сўмдан, жами 2000,0 миллион сўмлик инвестиция кредитлари ажратилди. Хозирги кунда линиялар тўлиқ ишга туширилиб, ички бозор си-

қорамол боқайтган деҳқон ва фермер ҳўжаликлари сафини кенгайтириш бўйича банк томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Жойлардаги филиаллари орқали кам таъминланган оилаларга чорвачиликни ривожлантириш учун жами 1,3 миллиард сўмлик микрокредитлар ажратилди. Ўз навбатида, чорва наслини яхшилаш учун хориждан насли чорва молларини келтириш билан боғлиқ лойиҳалар учун 2,8 миллиард сўмлик кредитлар йўналтирилди.

Банк хизматларини қишлоқ туманларининг чекка ҳудудларида ташкил этиш асосида мазкур жойларда бозор инфратузилмалари шакллантиришга эҳтиёж юритувчи миқозлар сафини кенгайтиришда муҳим омил бўлапти. Чунки минни банк ва шохобчалар янгида ташкил этилаётган фермер ҳўжаликларининг узогини яқин, ҳолатини барор қилмоқда. Қишлоқ аҳолисига замонавий банк хизматларини жойида амалга ошириш, жумладан, коммунал тўловлар тўлаш борасида қатор қўлайликлар яратилмоқда. 2008 йилнинг 1 октябрга келиб, банкнинг ҳудудларда ташкил топган 88 та минни банки орқали 16135 дан ортиқ миқозларга турли банк хизматлари кўрсатилгани ана шу шароитнинг натижасидир.

Банк филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари молиявий қўллаб-қувватланаётгани уларнинг янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, ички бозорни импорт ўрнини босувчи моллар билан тўлдирди, энг муҳими, экспорт салоҳиятининг ошишида муҳим омил бўлди. «Фаллабанк» айни пайтда 23 300 га яқин ана шундай тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатмоқда. Утган давр давомида хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари ва фермер ҳўжаликлари 19180,0 миллион сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар ажратилди. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу кредитларнинг 19097,2 миллион сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилди. Бу 1586 та янги иш ўрни яратилишига замин яратди.

Банкда хизмат кўрсатиш даражасининг юқорилиги, яъни илгор банк технологиялари ва мослашувчан тарифларнинг қўлланиши, бизнеснинг ўзига хос хусусиятларига индивидуал ёндашув ва ундаги тафовутларни ҳисобга олиш миқозлар сонининг тобора кўпайишини таъминламоқда. Бунинг билан ҳамкорлик қилаётган миқозлар сонини йил бошидан 2000 тага кўпайиб, 76 300 дан ортгани яққол кўрсатиб турибди.

Хозирги кунда аҳолига тақлиф этилаётган турли банк хизматлари орасида истеъмол кредитлари салмоқли ўринини эгаллайди. Бунинг жорий йилнинг утган даври давомида истеъмол товарларини харид қилиш учун 1 118,1 миллион сўм миқдорда узоқ муддатли истеъмол кредитлари ажратилиб, ушбу кредит қўйилмаларининг

тилган кредитлар миқдори 4 208,4 миллион сўми ташкил этиб, шундан 2 744,3 миллион сўми ипотека, 671,2 миллион сўми истеъмол ва 792,4 миллион сўми микрокредитлар ҳисобига тўғри келди. Қувонарлиси, Қўқон шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда бу ерда 32 хонадонли уй ипотека кредити асосида қурилиб, тўлиқ ёш оилаларга берилди. Бу банкнинг 547,8 миллион сўмлик ипотека кредитлари ҳисобига амалга оширилди.

Республика Президентининг 2008 йил 20 февралда қабул қилинган «Тижорат банкларини либераллаштириш шартлари кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони банкнинг ўз дастурий таъминотини модернизация қилиш, сервис даражасини яхшилашда дастурилмал бўлиб хизмат қилмоқда. Бу илгор ахборот технологияларидан фойдаланиш, рақобатбардошликни ошириш, янги миқозларни жалб қилиш, улга кўрсатиш савиясини янада кўтариш ва электрон маълумотлар алмашиш бўйича қўлайликлар яратиш имконини бераётди.

Бу борадаги тадбирларни янада фаоллаштириш, пластик карточкалар асосланган замонавий услулари тақлиф этиш орқали жисмоний шахслар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳам ҳажмини кўпайтириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Банк тизимида ушбу тизимга асосланган «Иш ҳақи» лойиҳаси чакана хизматлар бозорини кенгайтиришга қўлайлик, балки нақд пуллари банк айланмасига жалб этиш ва уни самарали жойлаштириш имконини бермоқда. Шу ўринда 2008 йилнинг ўтган даври давомида савдо-хизмат кўрса-

оширилаётган халқаро пул ўтказмалари ҳажми кундан-кунга кўпайиб, банк молия бозорининг ушбу сегментига етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. «Фаллабанк» миқозлари «Money Gram», «Blizko», «Contact», «Быстрая почта» каби бир қанча тезкор пул ўтказиш тизимларидан кенг фойдаланмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожига хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, иқтисодиётда чет эл сармояларини фаол жалб этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда Халқаро Тиклашиш ва тарқибот банки (ХТТБ)нинг қишлоқ ҳўжалигини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида 374,7 миң АҚШ доллари миқдоридида 10 та янги лойиҳа қайта молиялаштирилди. Ўз навбатида, мазкур кредитлар ҳисобига бугунги кунга қадар қўшимча 100 та янги иш ўрни яратилди.

«Фаллабанк» томонидан хорижий мамлакатларнинг етакчи молиявий ташкилотлари ҳамда маҳаллий банклар билан вақилик муносабатларини ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хозирги кунда «Commerzbank AG» (Германия), АКБ «Азия-Инвест Банк» (Россия), АКБ «Промсвязьбанк» (Россия), АКБ «Руссלבбанк» (Россия) сингари бир қатор йирик хорижий, ТИФ «Миллий банк», «Ўзсаноатқурилишбанк»и, «Асакабанк», «Туронбанк» каби маҳаллий молия муассасалари билан вақилик муносабатлари ўрнатилган.

Банкнинг «SWIFT» халқаро тўловлар тизимига аъзолиги унга президент-банкларга ҳисоб-китоб ва ҳужжатли операциялар соҳасида халқаро даражада хизмат

Банк активлари таркиби (млн. сўмга)

	01.01.2008	01.04.2008	01.07.2008	01.10.2008
Жами активлар (млн. сўм)	182 557,0	221 130,4	287 359,1	302 210,8
Жами соф активлар (млн. сўм)	113 302,2	135 688,0	168 322,7	177 646,3
Жами мажбуриятлар (млн. сўм)	150 709,9	189 032,9	254 343,7	266 822,3
Жами соф мажбуриятлар (млн. сўм)	81 455,1	103 590,5	135 307,3	142 257,9
Жами капитал (млн. сўм)	31 847,1	32 097,5	33 015,4	35 388,4

ник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялашда тижорат банкларининг фаолиятини ошириш мақсадида улга олдига бир қатор вазибалар қўйилган. Ўз капиталга ҳисобидан янги ишлаб чиқариш субъектларини ташкил қилиш ҳамда мавжуд корхоналарни қайта жиҳозлашда инвестиция жараёнларида кенгроқ иштирок этиш шулар жумласидандир. Бу ички бозорда рақобатбардош, экспорттоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва аҳоли бандлигини оширишни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

«Фаллабанк» тизимида ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйиш орқали корхоналарнинг иқтисодий самардорликка эришишни таъминлаш борасида бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври давомида 9,6 миллиард сўмлик лойиҳалар рўйга чиқариш учун, банк томонидан 4,2 миллиард сўмлик инвестиция кредитлари ажратилгани фикримиз далилидир.

Маълумки, мамлакатимизда дон маҳсулотларини қайта ишлаш тармогини ривожлантириш банкнинг устувор вазибаларидан ҳисобланади. Жорий йилнинг ўтган даврида сифатли ун ва ун маҳсулотлари, омихта емга бўлган талабни қондиришга хизмат қилувчи замонавий ун тегиримонлари қуриш учун 2,8 миллиард сўмлик инвестиция кредитлари йўналтирилди. Натижада Бухоро вилоятидаги «Қорақўлдонмаҳсулотлари» ОАЖда 603,0 миллион сўм эвазига ун тегиримонини ускуналари ўрнатилди. 1 035,3 миллион сўм миқдоридидаги кредит ҳисобига «Жиззахдонмаҳсулотлари» ОАЖ негизида замонавий тегиримон қурилди. Бундан ташқари, Наманган вилоятидаги «Учқўргондонмаҳсулотлари» ОАЖ жамоаси банкнинг 399,0 миллион сўмлик кўмаги билан янги уруғлик тайёрлаш цехини ишга туширди, «Попдонмаҳсулот-

ликсидидаги «Тўртқўлдонмаҳсулотлари» МЧЖ ва Қашқадарь вилоятидаги «Косондонмаҳсулот» МЧЖда бир кеча-кундузда 65 тонна, Фарғона вилоятида жойлашган «Қувдонмаҳсулотлари» АЖда эса 250 тонна бугдойни қайта ишлаш қувватига эга бўлган янги тегиримонлар ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта чигитини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш механизмининг такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманида жойлашган «Чимбой мой» ОАЖ томонидан амалга оширилаётган умумий қиймати 600,0 миллион сўмлик «Ўсимлик ёғини экстракциялаш линиясини ташкил этиш» лойиҳасининг 377,0 миллион сўми ҳам банк кредитла-

фатли ва арзон омихта ем билан таъминланмоқда.

Айтиш жоизки, давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб келаяётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугун иқтисодиётимизнинг асосий таянчига айланган. Уларнинг янада ривожланишини эса замонавий технологиялар сиз тасаввур этиш қийин. Шу боис ишлаб чиқариш субъектларини илгор технологиялар билан таъминлаш ва қўшимча қувватларни ишга туширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нега деганда, бу ички ва ташқи бозорни сифатли, харидорнинг маҳсулотлар билан тўлдирдиш борабариди аҳоли бандлиги даражасининг ошишига ҳам хизмат қилади. Аньанга айланган «Аг-



ри ҳисобидан молиялаштирилган эди. Лойиҳадан қўзланган асосий мақсад қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, хусусан, чигитни қайта ишлаш орқали ички бозорнинг сифатли ёғ ва шелухага бўлган талабни эҳтиёжини қондириш эди. Бугунги кунда, корхона юқори қувват билан фаолият кўрсатиб, кунига 100 тонна, бир йилда 28000 тонна чигитни қайта ишламоқда, 5552 тонна ёғ, 14716 тонна шрот ҳамда бошқа маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берапти. Шунингдек, ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган «Беруний Ёғар» ОАЖ ва «Турон Ҳўжайли» ОАЖнинг ҳар бири-

роМиниТехЭкспо» қишлоқ ҳўжалиги учун минни технология ва ихчам ускуналар кўргазма-савдолари бундай техника ва технологияларга эҳтиёжманди фермерлар, кичик бизнес субъектлари ва бошқа тадбиркорлар учун ажойиб бозор механизмига айланди. «Фаллабанк» ушбу кўргазма-савдоларда ўз хизматлари билан фаол иштирок этиб, миқозлар томонидан имзоланган 650,8 миллион сўмлик 25 та шартноманинг 14 тасини молиялаштириш учун 283,8 миллион сўмдан зиёд кредитлар ажратди. Қишлоқ ҳўжалигида ислохот-

Банк кредит портфелининг тармоқлар бўйича тақсимоти (млн. сўмга)

	Кредит суммаси	Фоизларда
Саноат соҳасига	40 803,6	28,3%
Қишлоқ ҳўжалигига	56 855,6	39,4%
Транспорт ва коммуникация (алоҳи тизими)	2 042,1	1,4%
Қурилиш соҳасига	2 405,9	1,7%
Савдо ва умумий оқватланиш тармоғига	4 087,5	2,8%
Ипотека, истеъмол ҳамда Ў.Р. Президентининг ПҚ-308-сонли қарори асосида ажратилган кредитлар (шу жумладан, ёш оилаларга)	12 577,0	8,7%
Бошқа соҳаларга	25 515,6	17,7%
Жами	144 287,5	100,0%

тиш корхоналарида 850 та терминал ўрнатилганлиги, 5000 тага яқин пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, уларнинг умумий сонини 83 500 тага етказилганлиги ҳамда пластик карточкалар воситаларида амалга оширилган банк айланмаси 23,6 миллиард сўми ташкил этганини айтиб ўтиш қийин. Жорий йил охиригача савдо терминаллари сонини 1 150 тага, пластик карточкалар сонини эса 85 000 тага етказиш бўйича чоралар кўрилмоқда. Кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтириш сибсатига қатъий амал қилинаётгани туфайли банк аҳолининг жалб этилган маблағлари ва омонатлари бўйича мамлакатимиз молия бозоридида етакчилар сафига қўшилди. Банкча бўлган ишончининг орттиши янги депозитларни жалб қилишга имкон берувчи асосий омилдир.

кўрсатиш имконини бермоқда. Хизматларнинг хилма-хиллиги, рақобатбардош тарифлар, ҳисоб-варақларни юритиш режими яқка ҳолда ёндашув банк вақилик тармоғининг ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жорий йилда «Фаллабанк»ка «Moody's Investors Service» халқаро рейтинг компаниясининг рейтингини берилди. Барча рейтинглар бўйича прогноз «барқарор», деб баҳоланди. Халқаро агентлик томонидан бундай юксак баҳоини берилиши Ўзбекистон молия бозорининг корпоратив ва чакана сегментидида банкнинг барқарорлигини унинг рентабеллик ҳамда ликвидлиги даражаси етарли эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. **«Фаллабанк» матбуот хизмати.**

СОҒЛОМ ФАРЗАНД — ОИЛА ҚУВОНЧИ

Фарзанд орзу-умидлар рўёбидир. Шу боис ҳам чақалоқ дунёга келган кунни ота-она учун ҳаётнинг энг тотли саҳифаси — гўзал, унутилмас ва мазмунли онлари бошланади. Бундай дамларни ҳатто гувоҳи бўлишнинг ўзи кишига ўзгача ҳаяжон ва завқ бағишлайди.



Дугоа қўл очган киши борки, яхши ният билан боланинг доимо соғ-саломат бўлишини, эл қорига ярайдиган комил инсон бўлиб вояга етишини ният қилади. Ана шундай эзгу давлатнинг амалга ошириши учун давлатимиз томонидан ҳам муҳим чора-тадбирлар кўрилади. Бошқа соҳалар қаторида соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилмаётган кенг кўламли ислохотлар тўғрисида аҳолига кўрсатилган тиббий хизмат турлари кўпайиб, уларнинг сифати яхшиланмоқда. Масалан, биргина "Она ва бола скрининги"

марказлари фаолиятининг йўлга қўйилиши орқали бўлгуси оналар ва чақалоқларни текшириш, уларда бирор-бир хасталик мавжуд бўлса, уни олдиндан аниқлаш, даволаш, ногиронлиқни, болалар ўлимини камайтириш, бир сўз билан айтганда, тўрт мучаси соғ фарзандлар туғилишини таъминлашга эришилмоқда.

Кейинги йилларда туғиш ёшидаги аёллар саломатлиги яхшиланиб, болалар ўлимнинг камайиб бораётганида ҳам айнан ана шундай марказлар муҳим ўрин тутмоқда, десак муболага бўлмайди. Жумладан, Президентимиз Вазирилар Маҳкамасининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақдулари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси-

да тиббиёт соҳасидаги ислохотларга тўхталиб, аҳолига кўрсатилган тиббий хизмат сифати яхшилангани амалда ўз самарасини бераётганини қайд этганди. Мисол учун, гўдақлар ўлими кўрсаткичи

▼ Тиббиёт

янги туғилган ҳар 1000 нафар чақалоққа нисбатан 23 тадан 13 тага тушгани ва биргина 2007 йилнинг ўзига 11 фоизга камайгани алоҳида келтириб ўтилганди. Албатта, бу натижалар биз, тиббиёт ходимларини ҳам жуда-жуда қувонтиради.

Бундан роппа-роса ўн йил муқаддам республика "Она ва бола скрининги" марказининг Нукус филиали иш бошлаган эди. Мана шу ўтган давр ичида муассасамиз замонавий ташхис аппаратлари ва малакали мутахассислар билан та-

минланди. Хусусан, аёлларда ҳомиладорлик даври қандай ўтаётгани, туғилажак боланинг соғлиғи, оналардан олинган қон таҳлили орқали ҳомилада туғма касаллик бор-йўқлигини аниқлашда замонавий, рангли "Апогея-3500" ультратовушли сканер жиҳози бизга жуда қўл келмоқда. Бундан ташқари, ҳозиргача 20 мингга яқин янги туғилган чақалоқларни скрининг текширувидан ўтказишимизда ҳам "Дельфия", "Мультискан" каби қатор замонавий аппаратлар иш бермоқда.

Муассасамизга текширувдан ўтишга келганларга мутахассисларимиз батафсил тушунтириш ишларини олиб боришади. Шунингдек, туғма касалликлар, уларнинг олдини олиш, филиалимиз фаолияти ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлишларида "Скрининг маркази аҳамияти тўғрисида" ва "Кўёшга

интилиб" номли ҳужжатли видео-фильмлар ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ишлари давом этаётир. 2007 йили мамлакатимизда бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг иккинчи босқичини амалга ошириш бўйича махсус дастур қабул қилиниб, бугунги кунда уни бажариш ишлари олиб борилмоқда. Ана шу ишларнинг барчаси одамларга тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, халқимизнинг яшаш даражасини кўтарिशга қаратилгани билан диққатга сазовордир.


Мен шундай шарафли касбни эгаллаганимдан, халқ учун зарур соҳада меҳнат қилаётганимдан фخرланаман. Юртбошимиз биз, тиббиёт ходимларига ҳамиша катта ишонч билдириб, алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатадиларки, буни оқлаш зиммамиздаги энг олий масъулиятдир. Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра, II даражали "Соғлом авлод учун" орден билан тақдирланганим ҳам ушбу фикрларни яна бир қарра тасдиқлайди. Ниятимиз — жамоамиз билан биргаликда бундан кейин ҳам юртимиз келажаги бўлиши соғлом авлодни вояга келтиришдек масъулиятли вазифага ўз ҳиссамизни қўйиш. Зеро, фарзандлар соғлом юрт қудратли бўлади.

Амина ҚАЛАНДАРОВА,
республика "Она ва бола скрининги" маркази Нукус филиали директори.

Олтин куз

Неъматлари

Айни куз палласида Марказий Осиё халқларининг дастурхонини безаб келадиган ҳосиятли неъматлардан бири жийда ҳисобланади.



ТИЛЛАРАНГ ЖИЙДА

Халқ табобатида жийда меваси ёки унинг дамламаси болаларда учрайдиган бемаврид ич кетишига қарши даво саналади. Дамлама нафас йўллари шамоллаганида ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ошқозон-ичак фаолиятини яхшилайди. Халқ табобатида жийданинг гулларида тана салқинида, зангила, лавша касаллигида, гижжа ҳайдовчи беозор восита қўлунж, бронхит, юрак касалликларида, баргларида эса бод ва ниқриз оғриқларида, шунингдек, жароҳатларни эт олдирувчи омил сифатида фойдаланилади.

Замонавий тиббиёт амалиётида жийда асосида олинган витаминлардан энтерокотиллар, стоматитларда қўлланади. Жийда меваларидан санат миқёсида "Пиатин", "Лохпектан", "Лохтан" номли препаратлар ишлаб чиқилган, улар меъда-ичак йўлидаги яллиғлини касалликларини бартараф этишда, стоматит, гингивит каби дардларда оғиз ва томоқни чайиш учун ишлатилади.


Жийда мевалари таркибида калий ва фосфорли тузлар, В1, В2, РР, Е белгилли дармондорилар, 40 фоиз атрофида қанд моддаси мавжуд ва унинг 20 фоизи фруктоза, 10 фоизигача оксиллардир. Ўсимлик баргларида катта миқдорда аскорбинат дори (витамин С), гулларида 0,3 фоиз эфир moyлари борлиги аниқланган.

Жийда беор ўсимлик бўлиб, уни данагидан қўлайтириш мумкин. Ўсимлик 3-4 йилда ҳосилга қиради. Жийддан ихота, тупроқ эрозиясига қарши восита сифатида фойдаланиш мумкин. Чунки унинг илдизиде азот унсурини тўпловчи бактериялар етарли даражада бўлиб, бу эса тупроқни озукабоб минераллар билан таъминлашда ёрдам беради.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

ИШҚИБОЗНИНГ ШАХМАТ КЛУБИ



Спортнинг ҳар бир тури ўзига хослиги билан ажралиб туради. У футбол бўладики, волейбол ёки баскетболни, кураш, теннис, сузгиш, қўйинги, барчаси ўз ишқибозига эга.

Масалан, жиззахлик меҳнат фахрийси Шодимурод ота Муродов шахматга кўнгил қўйганлардан. Қарангиз Шодимурод отанинг шу исмига Ешлар йилида амалга ошди. Бунинг учун «Жиззахтаъмир» корхонасининг маъмурий биносидан каттагина бир хона ажратилди ва унда шахмат билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратиб берилди. Бинони жиҳозлашга виллоят ҳокимлиги ва виллоят шахмат федерацияси ҳомийлик ёрдами ажратилди. Шунингдек, Холмурод Лапасов, Саидзамин Содиқов, Уктам Олимов, Уриш Ҳамидов, Баҳром Қобилов, Баҳриддин Мухиддинов, Ҳамид Муродов, Абдурашид Алиқуллов ва Акроб Эргашев каби спортсаварлар ҳам бу хайрли ишга баҳоли қудрат ўз ёрдамларини кўрсатишди.

— Кўп йиллардан буюн орзу қилиб юрган ниятим рўёбга чиққанидан хурсандман, — дейди Шодимурод Муродов. — Уйлайманки, клубимиз Юлдаз Ҳамроқуловага ўхшаган, юрт шавъини муносиб ҳимоя қиладиган гроссмейстерлар вояга етишига хизмат қилади. Шахмат клубининг очилиш маросимида иштирок этган халқаро тоифадаги гроссмейстер Димитрий Каюмов ҳам бу ердаги шарт-шароитларни юқори баҳолади.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЛОБАР ҚИЗЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

— «Севинч» яна чемпион бўлибди. Қизларимизга қойилман. Мамлакатимизда уларга тенг келадигани йўқ. Терма жамоада ҳам асосан ўзимизнинг футболчи қизларимиз ўйнашаркан. — Ҳа, хотин-қизлардан яхши спортчилар етишиб чиқаяпти. Косонлик спортчи қизлардан бири Пекин Олимпиадасида қатнашди. Гувалак кишлоғида бундай полвон қизлар кўп.

Икки киши ўртасида бошланган бу суҳбат мавзуи кўнчилиқни қизиқтириб қолди, шекилли, унга бошқалар ҳам қўшилиши. Ҳар ким ўзи билган, таниган спортчи қизлар ҳақида гапирди. Жаҳон биринчилиги совриндорлари, мамлакат чемпионларининг номлари тилга олинди. Виллоятда эл танийдиган, спорт олами тан оладиган спортчи қизлар кўп экан.

Бундай эътирофга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилишга қаратилган тадбирлар самарасидир бу.

— Виллоятимизда 4711 та спорт иншооти бор, — дейди Қашқадарё виллоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Инобат Қаримова. — Уларнинг деярли барчасида хотин-қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари

учун шароит етарли. Айниқсан, шахмат-шашка, волейбол, стол теннисига қизиқувчилар кўп. Агар 2004 йилда спорт билан мунтазам шуғулланувчи хотин-қизлар сони 108 минг нафарни ташкил этган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 350 мингдан ошди. Кейинги йилларда спортнинг бадий гимнастика, синхрон сузгиш каби нафис турлари бўйича ҳам секциялар очилди. Ҳозир бадий гимнастика билан 1336 нафар қизлар доимий равишда шуғулланапти. Қарши шаҳрининг бадий гимнастикачилари Москвада ўтказилган халқаро мусобақада иштирок этишди.

Жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлиги виллоят хотин-қизларининг республика ва халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришишида ҳал қилувчи омил бўлмоқда. Чироқчилик Сарвино Эргашева бош-

лаб берган шахмат мактаби бугунги кунда мамлакатимизда етакчи ўринни эгаллаб турибди. Умида Чоршанбиева, Нодира Нодиржонова, Ирина Тошмуродова каби шахмат усталари халқаро мусобақаларда

▼ Эътироф

мамлакатимиз шарафини муваффақият билан ҳимоя қилишмоқда. «Севинч» футболчи аёллар жамоаси 2008 йил якуни бўйича ҳам чемпионлик шохупасининг энг юқори погонасидан жой олди. Дзюдо бўйича республика чемпиони, XXIX Олимпиада ўйинлари иштирокчиси Зинура Жўраева, самбо бўйича Осиё чемпиони Диляфрўз Абдурахимова, каратэ бўйича республика чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби София Каспўлатова, оғир атлетика

бўйича республика чемпиони Зилола Бўриева каби спортчилар билан қашқадарёликлар ҳақиқи равишда фخرланадилар.

Хотин-қизлар спортини ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири замонавий спорт иншоотларини қўлайтириш эканлиги оддий ҳақиқат. Бу соҳада виллоятда амалга оширилаётган ишлар кўлами кенг. Косон туманидаги Гувалак кишлоғида қўрилган болалар спорт мажмуини бугунги кунда бутун мамлакат аҳли билди. Унда шуғулланаётган полвон қизлар орасидан кўпгина мамлакат, қитъа чемпиони, жаҳон биринчилиги совриндорлари етишиб чиқди. Бадий гимнастика залида машқ қиладиган жажжи қизалоқларнинг ҳам келгусида катта спортда ном чиқариши, шубҳасиз. «Шуртангазқимё» корхонасининг спорт-соғломлаштириш

мажмуи эса аёллар спортини ривожлантиришнинг чинакам маркази бўлиб қолди. Бу ерда хотин-қизларни жисмоний чиниқтириш, соғлиғини тиклаш ва катта спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароит яратилган. «Севинч» футбол жамоасининг қароргоҳи ҳам шу ерда. Катта футбол майдони, мини футбол зали, хилма-хил тренажёрлар спортчилар хизматида. Бундай йирик спорт иншоотлари билан бир қаторда ҳар бир маҳаллада, ҳар бир кишлоқда қурилаётган кичик спорт заллари, футбол, волейбол, баскетбол майдончалари хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари ҳамда мусобақаларига жалб қилишда муҳим омил бўлмоқда.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МУҲЛИСЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАШ ОСОНМИ?

Футбол бўйича мамлакат олий лига чемпионатининг «Бухоро» ва ОТМК жамоалари ўртасида кечган ўйиндан муҳлисларнинг ҳафсаласи пир бўлиб қайтди. «Бухоро» яна мағлубиятга (1:2) учради. Яна дейишимизнинг боси бор. «Бухоро» сўнги олти турдан



бўён галаба нималигини билмай келаяпти. Жамоа 18 имкониятдан аттиги бир очко жамғарди, холос. Оқибатда бухоролик футболчилар турнир жадвалининг олий лига билан хайрлашиш ақтимоли катта бўлган қўйи погонасидан жой олиб туришибди.

Шундай деймиш: «Вобекент» эди, бекхтиёр виллоятимизга виллоятнинг «Вобекент»нинг олий лигага йўл олиши катта шов-шувга сабаб бўлганди. Жамоамиз ўз майдонини ўтказадиган учрашувларида стадион ишқибозлар билан тўларди. Аммо бу ҳол узоққа бормасди. Молиявий қийинчиликларга дуч келган клуб қучи рақобатда дош бера олмасди. Дастлабки мавсумдаёқ олий лига билан хайрлашишга мажбур бўлди. Аввал биз ўйлагандан ҳам кўра мушқулроқ экан. «Вобекент» клуби муаммолар гирдобидан чи-

қолмади. Ҳозир уни ҳатто биринчи лига вакиллари қаторида ҳам кўрмайсиз. Жамоа тарқаб кетди. Вақоланки, тарқибда ёш, умидли футболчилар бор эди.

«Бухоро»га келсан... Мавсум давоминда бош мураббий ўзгарди. Клуб раҳбарлари ҳам. Усмон Тошев ўрнига келган бош мураббий Юрий Агеев жа-

моа ўйинида туб бурилиш ясай олганча йўқ, клуб раҳбарияти эса кучсизроқ рақиблардан очко олиб, жамоа мавқини яхшилашдан умидвор. Негаки, «Бухоро» энди «Пахтакор», «Бунёдкор» каби кучли жамоаларга рўбару келмайди. Бирок «Сўғдиёна», ОТМК сингари ўртамина жамоаларга очко улашганини қўйиб, «меҳмондўстлик» ҳам эси билан-да, дегинг келайди.

Назаримизда, жамоанинг чемпионатдаги муваффақиятсиз ишлари сабабларидан бири маҳаллий футболчиларга эътиборнинг сустлигида. Муҳлисларга

яхши таниш Улугбек Бақоев, Элдор Мағдеев, Ислам Иномов, Шавкат Саломов сингари футболчилар ўз маҳоратларини дастлаб «Бухоро» жамоасида оширишгани фикримизга далил бўла олади. Бу — масаланинг бир жиҳати. Четдан ўйинларни тақлиф қилганда эса уларнинг савияси ўзимизникилардан бир-икки поғона юқори бўлишини инобатга олмақ керак-ку?!

«Бухоро» муҳлисларидан бири Шухратжон Ғаниев бу борадаги фикрларини билдираркан, «Бир пайтлар «Бухоро» стадионига худди байрамга бораётгандек йўл оларди. Чунки жамоамизнинг муваффақиятли ўйнашига ишончимиз қучиб эди-да», дейди хурсаниб... Ҳа, виллоятнинг олий лигадаги ягона жамоаси ўз муҳлислари ишончини йўқотмаслиги зарур. Бу ҳозир «Бухоро» футболчиларининг фидойилигига, клуб мутасаддиларининг масъулиятига боғлиқ бўлиб турибди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РАТБ «Галлабанк»
томонидан 6 ойлик муддати билан «Тaqдим Этувчиға» номли омонатға маблағлар қабул қилинмоқда.

Омонатга йиллик 18 фоиз миқдорда устама ҳисобланади ва омонат учун устама фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

«Галлабанк» — хонадонингизга барак келтирсин!

Қушмача маълумотлар учун телефонлар: (+99871) 233-71-72, 236-74-30, 232-15-89.
www.gallabank.com

Омонатлар «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш жамғармаси» томонидан қафолатланади.

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 21 октябрь, сешанба кунни чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси институт етакчи ходими, физика-математика фанлари номзоиди У.А.Холиқовга отаси Асқар ХОЛИҚОВ нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.	А. Султонов номли Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти жамоаси академик Садулла Искандаровга рафиқаси РИХСИХОН аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.
ЎзР ФА Механика ва иншоотлар сейсмика мустақамлиги институти жамоаси техника фанлари доктори Клара Саломовага отаси Жаббор САЛОМОВ нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдирди.	Тошкент давлат юридик институти жамоаси «Жиноят ҳуқуқи ва криминалогия» кафедраси доценти Мамажон Усмоновнинг укаси Каримжон АБДУАЛИЕВ нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 25961 нухсуда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида термалда ҳамда операторлар **Жамшед Тоғаев** ва **Мухаммадали Бегмуратов** томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материалли

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳах — Х. Тошқужаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.00
Топширилди — 01.35